

Манзар Абдулхайр

Плашук



Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori _____

ilgarigi berilmalar miqdori _____

43-51
xG.P.
11

Манзар Абдулхайр

Плашшул



Шеърлар

УҮК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ү)6

A - 14

Абдулхайр, Манзар


Тааммул: шеърлар/Манзар Абдулхайр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 200 б.

ISBN

Шоир Манзар Абдулхайр шеърларида ажиг бир тахайюлий тарзга уйғун чинакам күнгил ҳаракатлари бор. Шеъриятни ўз тақдири, деб билган шоирнинг ушбу шеърларини ўқир экансиз, гүё сўз замиридаги рамзий маънолар оламига сафар қиласиз. Китоб шоирнинг янги ёзган шеърлари ва “Каш”, “Бозгашт” сингари достонларидан таркиб топган. Ўйлаймизки, бу ҳол китобхонни эътиборсиз қолдирмайди.

УҮК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ү)6



© Манзар Абдулхайр, “Тааммул”. “Янги аср авлоди”, 2018 йил.

* * *

Хаёлмиди кўрганим сени,
Гулбоғ узра гунафша гулим?
Гулафшонлар ичра бир сени,
Алҳол топиб, ўртанди дилим.

Мана энди турибман жолам,
Ой нурида ёришди фалак.
Гулчамбарлар тақиб, бир олам –
Гўзал хаёл – мисли камалак.

Ёт гўшалар ёт бир манзилда,
Термиламан, кўзимда оқшом.
Шунда сени қўмсаб, аламда –
Кўзларимга қўнар намозшом.

Гўё руҳсиз ҳайкаллар янглиғ
Тош бу кўнгил кутмас садоқат.
Мұҳаббатдан топганим – оғриғ,
Сабрларим – гуллаган тоқат.

30.07.2014 й.

* * *

Балки ўйлар ғамгин түхфакор,
Күнгил ичра солар шодумон.
Мунда мени этарсан афгор,
Шунда қалбим топадир имон.

Эрта-кечдир ўйларим учар,
Қандай сокин шу мужиб гұша?
Түн аслига, асирин қучар,
Андухимга сирдошин түшаб.

Күп куйинма ғуссаманд йиллар,
Кечагидан бу қунинг нақшин.
Ахир, лаҳза мангуга йұллар,
Пурғам диллар лаҳзада нақшин.

Тоза дилим – ғамгусор гулим,
Сенда топдим ўзлигим аён.
Шундан қолган маҳзун дамларим,
Сенсизликдан күнгил хунафшон.

1997 – 2015 й.й.

* * *

Айри дил, ҳей, исёнкор күнгил,
Хеч күнгилни қилмагил ғамнок.
Оlam сари поёnsiz бокқил,
Қанча йиллар оғуши намнок.

Күнгил – ҳайҳот ғамдир калиди,
Борар роҳи ишқ чоғи ҳамон?!
Наҳот, ўша күхна боғ-роғи,
Туташтирмас боримиз замон.

Зайлимизга бокъмас бедиллар,
Күнгилни ҳеч қилмайлик увол.
Омон-омон келур замонлар,
Күнгил қуши топмагай завол.

1997 – 2015 й.й.

* * *

Осмон бағри борар қорайиб,
Қайғулар-чи дарёдай тошар.
Ғам-ғүссалар келар оқариб –
Юрак ичра ўрлашар кишвар.

Шодлик әмас, наҳотки, ғамдош,
Түғилдик-ми ғам-алам туни?!
Шундан бери таҳаммул йўлдош,
Тун кўксига битик азали...

Наҳот, йиллар ўчмас асари –
Кўнгил ичра ботин синоат.
Бир кун қувдек бўзарар таши,
Кечмиш хотир қурган иморат.

9.04.2016 й.

* * *

Үзимдан узоқлаб қайга кетдим мен,
Яқин күнгилларга етмасми оҳим?!
Умр сўқмоғида дайди сўқирмен,
Фингшиб ҳар узлатда итдай изғидим.

Нечун воқеликни кўрмас кўзларим,
Ҳақиқат оҳанги чалинмас, наҳот!
Ҳайҳот! Эсламасдир бунда элларим,
Мангу йўқлик ичра йўқолган баёт...

Оҳ, оҳанг! Нақадар ғаройиб ғамнок,
Синиқ хотирамнинг синиқ кечмиши.
Оҳ, оҳанг – бу қадар ғамнокдир намнок,
Кўҳна торларимнинг қадим ўтмиши...

21.03.2016 й.

* * *

Лайлакон¹ йүллари ажиб таврдир,
Үнда мужассамдир гүё қадимият.
Ишқимдан түкилган шеърдирки ахир,
Менда қолган фақат ундан хотирот...

Аланга ичидә мудомдир порлоқ...
Түн ўрдаси ичра ёңгай зарғалдоқ.
Унинг манглайига битиксан гүё,
Ана мен оламни кўрган у куной...

Нажиб тийралиkdir ложувард сойи,
Гүё пойлаб турар юлдузлар адл...
Сервиқор тоғларим бағрин тимдалаб,
Руҳи равонимки бўлибдир нузул...

27.10.2016 й.

¹ Лайлакон – қишлоқ номи.



НОНДИК²

Кеккайган тоғларнинг йўллари қийик,
тилу забонингни ютар пайваста.

Лол қолар таҳайюр, кўзинг қийқириқ –
бетайин ерларга тушар шикаста...

Кезарсан Кўҳкан³, тошар ғам-андуҳ,
юрагинг қинидан чиқмоқ истаюр.

Отилар кенгликлар бағрига ногоҳ,
сенинг хаёлингдан учган бир сайёр...

О, Нондик навоси тимдалар бағринг,
руҳингни қиймалар, тоғ ҳавоси бод.
Ётибдир безабон тошлар ному нанг,
бilmайсан уларнинг забонин минбаъд...

Кўзларда кўз очар ҳайратий уввос,
дарду ситам ичра жонланар кенглик.
Шарқироқ сойларнинг довуши нохос,
руҳингни тортқилар мужиб саркашли...

Нондик одамлари қадим оламлар –
Ўзлигин ўзига жо этган хилқат.
Бўзарган юzlари зиҳе мунаvvар,
сўzlари нондайин басе аломат...

Яшамоққа чорлар юз қарашлари,
дерлар: ғуборлардан тозалар кўлка...

² Нондик – Қашқадарё вилоятининг тоғ ён бағирларидаги бир маскан, яъни жой номи маъносида.

³ Кўҳкан – Фарҳод каби маъносида.

Ҳайқириб пишқирап оқар дарёси –
гүё шодлигидан сиғмас кўксига.
Ботини андуҳ ичра тўлар чамаси,
асорорин билдирилас касу бекасга.

Файри кўринади бунда оламлар,
қадимий асрори очилмас, минг воҳ!
Қандайин сир бордир, бу Кўхи Қофлар,
бир қуни сочилар асотир, биллоҳ.

Дўстим Қурбонназар интиқ сўйлайди,
бу тиниқ сойларин куйлаб шукуҳин.
Эй кўнгил, сенгадир назирлар бори,
бизгадир давроннинг шиддати маҳзун.

Арзийди мадҳ этсанг бу тоғлар кўйин,
тоғлардан хабаргир кўнглимсан менинг.
Нечун, гумонсираб боқасан майин?
мен сотқин эмасман, бу тоғлар сенинг!

Сотқинлар отдилар кўхна дунёсин,
ҳар неки сирларин ўйиб қурсафин.
Улар ҳам ўтдилар, охир ожундан,
кетдилар қолдириб эгри маёғин...


Гоҳо сўқмоқ ичра ястанар йўллар,
тоғларнинг сукунат учмоҳларига,
Билмайсан, бу йўллар қай гўрга чорлар,
наҳот, дарвешларнинг қўналғасига?!

Ҳайҳот, бўйлашишмас бунда ўғлони,
рамзу ишораси бетакрор марза...
Қадим муйилишлар тоғлар булоғи,
ботини ўсадир марзама марза...

Тоғликлар қалблари юксак вафокаш,
форлардан ўрганмиш сукунат тилин.
Беҳуда кетмоқдан афзал жафокаш,
сукут асрорига ўраш кун сайин...

Шатталаб ёғадир Нондик ҳавоси,⁴
ўжардир, гар ёғса қиялаб ёғар.
Нақ қўксинг тилкалар Нондик навоси,
сенинг ишончингни пинжига кирап...

20.10.2016 й.



* Ҳаво – ёмғир маъносида.

* * *

Қизғин нафосатнинг изғин роҳи бу,
Масалдир атиргул нафис япроғи.

Күнгил орзиқтира, ортадир орзу,
Майнинг саховатли майин адоги.

Тонг чоғи димоғинг қитиқлар оли,
Аччиқ ғамларингни эркалар шамол.
Шундайин латофат – моҳларнинг холи,
Машъум чоғларингда дилгирдай хаёл.

Бир туйғу уйғонар, гүё дафъатан
Ботин асрорингни англагай мана.
Лаҳзалар эпкиндир лайлу наҳордан,
Ишққа яқынларга мавзундир яна.

Нечун айро тушай сендан баҳорим,
Күнгил ардоқлайсан, ҳамиша, ҳамон?
Саҳтлашар күнгиллар, қачондир борим,
Замиринг унутар қачонки, инсон?

Нақадар шодумон, бу қадар гүзал,
Шодликка ҳамсоя, андуҳга доя.
Ойдин кечаларда ҳамроздир азал,
Күнгил вафодорим, меҳрга роя.

12.05.2016 й.

* * *

Шафтолизор гуллади чунон,
Гүё күнгил унда бепоён.
Боларилар билмасдир тиним,
Аччиқ күнгил томчилар ҳамон.

Капалаклар қучар майсани,
Барги узра бериб зүр алам.
Қанот, гүё рангизидир асли,
Шабнам ичра нурланар олам.

Файри күнгил аксар оламда,
Шафтолизор узра құчадир.
Хайқот! Бунда аксдир жола,
Тин оладир борлиқ құчкида...

Машваратта қүшилар қуёш,
Заррин нурдан тұқилар меҳр.
Жом косага тұладир құзёш,
Томчиларда күнгил аксланар.

Айлантирап фалак дороғоч,
Шафтолизор бағри-да мулзам.
Ёнар күнгил, гуллайди соғинч
Айниятдан туғилар жолам...

Менда мени топмассан, инон,
Саҳаргоҳда шафтоли маҳваш,
Ноланда қуш товуши нишон,
Сунъи наққош безар мушавваш.

Ох, түйғулар оппоқ гуллади,
Топармикан бунда дил ором?!
Бүгөт узра күнгил осилди,
Шафтолига беріб зұр аlam...

Қаердасан, қайдасан нолам,
Күнгил отлиғ әй сен, тирандоз.
Андуұларға чұмар юрагим,
Надир, бунда күнгилдір гудоз.

Мансур ёзинг мансураларни,
Тоғ бағрида музafferар лола.
Мунтазирдір синоатлари,
Қызыл қонга беланди лола.

Кутавериб тоқат түкілди,
Қир-адирға боқинг тус манзар.
Булоқтарға қайғы қүшилди,
Биздан кетди у нурли ханжар...

Гулшан ёнар ишқ оташидан,
Юрак қулға айланса зора.
Кулин күкка совурап очун,
Зымрасида ишқидір нишона.

Қайғузабон бетиним нола,
Күкка етар забундір, ҳолим!
Күнлар келар беланиб нурға,
Шафтолизор гуллар девонам...

5.04.2016 й.

КУЗ МАНЗАРАСИ

Куз – ғамгинлик васфи, балки таҳаммул,
Рұх ичра мизғир нам – аччиқ сукунат.
Атрофин құлғар гар мудхиш тахайюл,
Күнгил-да урар жүш – мунгли рұхият...

Дарахтлар япроғи айрилмиш тандан,
Узилиб тушмишдир ер уза беҳол.
Намнок дил истаюր хаёл парвозин,
Қаерга бормасин, дүнадир филхол!

Куз ҳайрат олами – зангор япроқлар,
Тааммул етаклар ғариб кечмишга.
Гар дилни чулғаса мудроқ, алқазар,
Кузнинг ғамгин зайлі ирғитар құкка...

22.10.2015 й.

ҚАДИМ ТУРОН

Мунгроқ дилим, васатинда ватанлар бор,
Васатидир Осиёки, қадим Турун!
Күнгил зорим зорланадир зорларча бор,
Айро күнглим чоклари-да доғларча бор!..

Тилкаланаар юрак-бағрим дуркун-дуркун,
Юксалгаймиз қүёш сари, манзил сари.
Тоғу тошу далалар-да яйдоқ бугун,
Омонлигу сомонликдир ғайри-ғайри.

Хайҳот! Кунлар замири-да чалар занги,
Омон бұлған етгай, наҳот салсабилга?!

Фаму нолон тұнларимиз дұнар ранги,
Жұшар бир кун кунларимиз сомонликка...!

Тангри тоғдир, паноқ әрүр – дүнма күнгил,
Айри тушар, ҳайҳот ғафлат гүшасидан?!

Наҳот қайтар яна имдод, по(й)мол күнгил,
Ботинларда жұшар түйғу ашрафидан...

Мунгроқ дилим, васатинда ватанлар бор...

29.10.2015 й.


* * *

Қор ёғар олмосдай мисоли,
Товланар ташқари беҳудуд.
Кўнгил ичра андуҳлар сели,
Ичкари деворин қилас мурт...

Пайваста сўзлардир чайқалар,
Миннатли, омонат томчи, эй!
Кўк уза булуллар пардадор,
Яширап сирларки, самовий.

Туйғулар қуршовда тенгма-тенг,
Мен билан биргадир у ҳамон.
Тарқ этмас кўнгил-да бедаранг,
Мисоли мангудек бегумон.

7.02.2015 й.



* * *

Вужудан ғойибам аминам,
Мен ҳали мавжудман-мавжудам!
Сен сўйла ғайбдан, нолимам
Токи мен зиндаман ҳанузам?!

Кўнгиллар кечмишин сездим тан,
Бошларда талотум на золим?!

Энди мен кетайин ғойибан,
Бир қўриб сўрмагил на ҳолим?

Надир бу, ташвишлар бошима,
Визиллар илонлар қошима.
Андуҳим кўпдан-кўп дошима,
Келарсиз ғолибо ошима!

Начора тоқатлар тугар соз,
Наҳотки, озорлар келар дуч.
Андуҳлар елкани бозма-боз,
Кўнгил-да сукунат учма-уч...

3.09.2015 й.

Бир куни дунёни этсанг-да, гар тарк,
Мол-мулк – ватандир қолгай ҳувиллаб.
Ҳувиллаб қолгайдир босган изларинг,
Сендан қолса қолур – бир уюм китоб...

Наҳот, бари абас – қўнгил дарчамиз,
Иссиқ нон, тан иссиқ – қайноқ ҳаловат?!
Қаерда қолдийкан, кўхна жуволдиз,
Қозикқа осиғлиқ у заррин хильят...

Ортингдан бўзариб қолгай ёронлар,
Бари-бари ўтар, барчаси сароб.
Ҳамин қадар густохона анграйишлар,
Ҳамин қадар “шифир” – ҳайқириқлар?!

20.10.2015 й.

* * *

Азим шаҳар измида тентиб,
Сўзларингни соғиндим, она.
Билсанг, менга қатрондай кентиб –
Томчиларда калом нақшона.

Акс гүё меҳринг томчида,
Ҳар бир сўзинг шундайин маъво.
Менга ётдир, мавжудки мунда,
Номавжудлар дардимга даво.

Кафтдек рўйинг дунёларча бор,
Рўйи замин кўринар унда.
Жаҳон баъзан-баъзан, менга тор,
Маҳзун онинг – кенгdir кўнглимда.

Шундай эрур кунларим намнок,
Кошоналар юпатмас, наҳот?
Даричадан боққил бир ғамнок,
Пайвастадир меҳр сари зот.

Рангиланар гўё бил шаҳар,
Лекин кўнгил топмас ҳаловат.
Истар маъни ҳар бир ҳамشاҳар,
Кенгликлардан меҳру шафоат.

29.10.2015 й.

* * *

Дарахтларнинг барги сарғаюр,
Куз келишдан дарак онажон...
Бу куз келар сен учун оғир,
Шу тун бўлур тушларинг аён...

Нодон ўғлинг яна чорасиз,
Боқ дарахтга қарғалар қўнди!
Қағиллашар қайғумга, шаксиз –
Музтар кўнглим чўқишар энди.

Ним қоронғу умр қошинда,
Фамлар ёғар бошимга шояд.
Наҳот энди, хазонлар ичра –
Қақшар меҳр нуринг тоабад...

Дунёйимни босмиш қузғулар,
Шўрларимга шўриш қилурлар.
Мен-ку, азал ғамга эш-ошён,
Хазонрездир боғларинг бу кун...

Дарахтларнинг барги сарғаюр,
Куз келишдан дарак, онажон...

29.10.2014 й.

* * *

Кузак кузда юпунмас мен-да,
Лекин күнгил гезаарар хокдай.
Дараахт бағри изиллар тунда,
Тин олмасдан басма-бас шамдай...

Мен-ку мунгга берурман бардош,
Етар күкка кузнинг уввоси.
Хазонрезги ерлар-да намдош,
Зангор япроқ қадоқ Ер юзи...

Ахир, ана фалак гардиши –
Қизарибди вақтнинг зарбидан.
Сўнгги зарба, уриниш сўнгги,
Куз бағри-да бўзарар шоён?!

29.10.2015 й.

* * *

Кеч тушарда шовуллар күнгил,
Вобаст эрур дарё севинчи.
Хув, узлатда якка-ярим дил,
Бир сүзгина күнгил овунчи.

О, дилгина, безабонгинам,
Мурғакликдан ҳазиндири ёна.
Қани у сүз, қайларда гинам,
Надир дегил дарёдилгина?

Қатрон бўлди андуҳли дилим,
Кечаларни кезадир койиб.
Яхшиямки, сен бор ғам дарём,
Йўқса күнгил бўлади ғойиб.

13.11.2015 й.

* * *

Қизир саҳро гүё музмар дилимда,
Изморимда йиллар асралым бир сүз...
Шунчалар қизғиндир бу ажиб бода,
Қанчалар аччиқмиш ичилган бу сүз...

Дашту далаларда қабарған күнгил,
Ташналик азобин англар дағытап.
Нечун сувсиз эрүр бугун саҳродил?
Хозирдир изоҳат ташна диллардан...

Нақадар ғарибдир саҳрода қумғон,
Сиёҳ кечмиши-ла оқдир қилмиши.
Зулмат саҳросида очмишдир үпқон,
Тиканак гулларин эзғилаш таври...

Қандайин ҳамоқат бундайин кечмиш,
Тул қолган бүтадек саҳрода ётмиш...
Ёлғизлик қумзори ичрадир үтмиш,
Синик хотирамнинг парчаси қолмиш...

Алам саҳросидир азим маҳшаргоҳ,
Мушкилки, қочмоқлик тақдир азалдан.
Бўзарар бу күнгил лашкари ишқгоҳ,
Фарид сукунатдир адам абаддан...

Сармашқим, ҳайратим эмас беҳуда,
Тилсиз биёбонда қолмишдир изим.
Файримга кулмангиз йўлсизман бунда,
Адам саҳросидир мақсад манзилим...

21.11.2015 й.

* * *

Азал тун яралди гулафшон очун,
Бу онни шарҳламоқ мушкулдир, оё
Фақат күнгил учун, фақат ишқ учун,
Одамни лол этмоқ фусун-чун гүё.

Күнгил ичра дурлар қоядай маржон,
Солланар ҳар ёнга кундузу тундай.
Уни англамоқлик мастиқидир гүё
Мұхаббат жомидан сархуш Мажнундай.

Оlam күриналадир нақшинкор нисбат,
Фарқламоқ рангларни нақадар оғир,
Фаройиб оламда ҳамрангдир мусбат,
Оғирдай киприкка қүнган ғуборлар.

17.08.2015 й.

* * *

Эшитган эдим мен сокин онларда,
Даражтлар киши чун ҳамрозлигин бот.
Тинглаган эдимми музмар дилларда –
Кўнгилнинг шовқинлаб зорланишин шод?!

Ўзгарар табиат – руҳ соябондир,
Ботиний ғамларки, ётар ботинда.
Бири-бирисидан абад айродир,
Зоҳирий андуҳлар мудом ошкора...

Сукунат толдирмиш руҳи равоним,
Тоқатим тоқ бўлмиш моҳи тобоним.
Қандайдир таквинот⁵ – мавҳум нишона,
Кўнгилни зорлатар ички сукутим?!

Зим-зиё кечада қора поладай,
Кўринмас бир ораз гўё рўёдай.
Сиёҳлидир тун – руҳдир дарбадар,
Илинар тунларга бериб бир орой...

Дарё-дарё оқар ашк заррин-заррин,
Дарёдил-да йўл қиласар чок-чокидан.
Йўл очмасми, ҳеч дўнмасми Қашқадарём,
Борми ахир, ботиндир бошқа дарём?!

11.09.2015 й.

⁵ Таквинот – вужудга келиш, яратиш маъносида.

СҮЗНИНГ АСИРИ

Йиллар суронида... сўзнинг асири,
Бир замон унутдим айтар сўзимни.
Унутдим ўзимни, синдиридим созим,
Бўғдим овозимни – мўъжаз бир сасни.
Баъзан луғатларга мафтун-маҳлиё,
Умрим луғатини тузмадим асло.
Банди хаёлларим эрки-чун гўё,
Фано оламига кўз тикдим танҳо.
Тутқич бермас кунлар, йиллар чопар тез,
Ёмғирдек тўкилдим, баргдек узилдим.
Банду бандларимдан ситилдим рез-рез,
Ахири, бўркимни тупроққа қўйдим.
Эй само, эй замин бергил ҳаловат,
Мангулар бўлайин бағрингга бағир.
Унутиб дунёнинг ғавғоларини
Ғаввосдек сузайнин, наҳрингга чақир!

Тантиқ хаёлларнинг жомига қондим,
Сўзни эрмак дея, беҳуда ёндим.

10.01.2014 й.

* * *

Ой нурлари қилганда ханда,
Сени кутдим, сұнгсиз узун тун.
Соҳил, дарё мавжига замда,
Хаёлимда сен бұлдинг, Жайхұн.

Түн либоси мұъжаз ва шоён,
Мезон, мезбон чорлаган чархда.
Суқунатга маҳкум мұхібсан,
Май сун! Тұлқин авж урган тарзда.

Меҳрин сочди ёниқ түйғулар,
Фаним дүстлар қилганда зарда.
Мавжли дарё рұхим эркалар,
Мубҳам тунда шарпалар қайда?

Жұнжиктирди рұхим, совуқ тун,
Бетакаллуф үйғондым шу дам
Ва, ортмоқлаб ташвишини тун,
Тұшагига айлади ҳамдам.

* * *

Ёмғир ёғар – дилгир саросар,
Кечмиш кундан қиласар хотирот.
Шаффоғ ёмғир, булутлар қадар,
Үнда кезмоқ оғир – пулсирот.

Ёғар ёғин эзіб шуурим –
Түрён ураг дарлар гирдеби.
Танизорим яниб дарларим,
Мени қийнар ҳижрон азоби.

Ёғар ёмғир ошёни оша –
Ерни үпіб, оқар беармон.
Ёшлик зангор – осмони шиша,
Шиша синиб, тұқилар армон.

Ёмғир бўйи, осмоний шакли,
Кўнгил узра қуйилар бости.
Ёмғир куйи самовий асли,
Кўнгил ичра шовуллар шашти.

СӨФИНЧ

Асрий тоғлар қошимда,
Сулув сойлар эланар.
Хұмо тожи бошимда,
Рұхим нурға беланар.

Сочим сийпалар еллар,
Алқаб арғымчоғида.
Мангу яшагим келар,
Қирларнинг қучоғида.

Қирларнинг завқули васли,
Сирли түшга үхшайды,
Чексиз қирларни, асли,
Рұхим құмсағ яшайды.

ЭЙ ЁР...

Эй ёр, оташ ишқинг мени маст айлади,
Алпомишдай зўру забардаст айлади,
Висолингга етгали то қасд айлади,
Ошифингга фақат сенинг васлинг керак,
Аслинг керак, ёrim, фақат аслинг керак.

Сайр этарман, айтгил қачон боғларингда,
Яйрайманми, ҳеч хушҳаво тоғларингда,
Куярманми ёхуд сенинг доғларингда,
Ошифингга фақат сенинг васлинг керак,
Аслинг керак, ёrim, фақат аслинг керак.

Татимагай сенсиз ўтган ҳеч бир оним,
Сен эмасми жисмим аро ширин жоним?
Сен борлиғим, ор-номусим, шуҳрат-шоним,
Ошифингга фақат сенинг васлинг керак,
Аслинг керак, ёrim, фақат аслинг керак.

Тоғу тошда баланд ўсган терак бўлмас,
Муҳаббатсиз юрак асти юрак бўлмас,
Муҳаббатсиз юрак бизга керак бўлмас,
Ошифингта фақат сенинг васлинг керак,
Аслинг керак, ёrim, фақат аслинг керак.

Келақол, ёр, қовуштирсин бизни висол,
Афсоналар бўлсак, не тонг, Мажнун мисол,
Юрагимга такрор ўзинг ишқ ўтин сол,
Ошифингга фақат сенинг васлинг керак,
Аслинг керак, ёrim, фақат аслинг керак.

ҚАФАСДАГИ ҚУШ

Азизим, бошингта не савдо тушди,
Қафасда сиқилиб қалбинг увшуди.
Мунчоқдай кўзларинг тортибди хира,
Нечун сайрамайсан, айт, жўшиб сира?
Олисга қадалган мунгли нигохинг,
Бағримни ўртади нолаю оҳинг.
Сени кўриб, жоним, тутқун, қафасда,
Бўғилдим, қийналиб ушбу нафасда.
Йўқ, сенинг ошёнинг тор қафас эмас.
Мовий кенгликларнинг фарзандисан, бас!
Озод этолсайдим, сени, эҳ, дўстим,
Маъзур тут, менинг ҳам қисқадир дастим.
Инсонмиз гарчи биз оқил ва доно,
Қилган амалимиз аксар бемаъно.
Хурликка ташнамиз, эркинлик маъқул,
Кушларни қафасда сақлаймиз нуқул.
Билмадим, қанчалик қийматим, нархим,
Бормикан ҳеч сендан менинг ҳам фарқим?!
Токай, ҳукмрондир бешафқат башар,
Эркин қушлар, афсус, қафасда яшар!

НЕ ҚИЛАЙ

Қалбимнинг осмонида порлаган
юлдузим, сен,
Зулматли кечам ўзинг, нурафшон
кундузим, сен,
Тоабад оташ қўксим безовчи
кундузим, сен,
Бир оғиз қаломингсиз дарди дилинг
үққанман,
Не қиласай, айт, муҳаббат дардига
йўлиққанман!

Топишганмиз иккимиз муҳаббат
гулшанида,
Не тонг, бўлсак баркамол ишқ-муҳаббат
фанида,
Не бахт, ёнсак тоабад муҳаббат
гулханида,
Бир оғиз қаломингсиз дарди дилинг
үққанман,
Не қиласай, айт, муҳаббат дардига
йўлиққанман!

Ҳажр, неки, васл ичра ҳатто
жигарпорамиз,
Оташин шул қалб ила то қиёмат борамиз,
Муҳаббатдан ўзга йўқ на тадбир,
на чорамиз,
Бир оғиз қаломингсиз дарди дилинг
үққанман,
Не қиласай, айт, муҳаббат дардига
йўлиққанман!

* * *

Мени севиб-сүйганинг ёлғон,
 Севсанг руҳинг келарди бир тун.
 Бошимда ғам, күнглимда бир ун,
 Тонг нуридек оқарди сочим...

Хижрон туни бунчалар узун,
 Қаро зулфинг каби эгилмиш.
 Сени құмсағ толим-да, Мажнун,
 Сенга атаб пойандоз ёзмиш...

Үтирибмиз тизма-тиз музлаб,
 Қоялар-да эгилмиш тизлаб.
 Севгимизга иқрор машъум тун,
 Ўз домига тортмишdir увлаб...

Сени эслаб шабнам-да ошиқ –
 Тонгда түкар маржон жолалар...

* * *

Тонг юлдузи – Чүлпон юлдузи,
Шу юлдузга менгзаш умр ҳам.
Чүлпонларни қилган маҳлиё,
Сонияда минглаб чақирим –
Кезар само, лаҳза боқарам...

Кун ботади, қош ҳам қораяр,
Юрагимда наво яралар.
Умр ўтар, соч ҳам оқарар,
Секин-аста қош ҳам оқарар,
Юракни бир наво яралар.

Тун қўйнида юраман ёлғиз,
Қандай ажиб гуллар очилмиш.
Тун гуллари руҳим этар ёз,
Сачратқилар қалбим этар соз,
Шу гулларга ўхшар қисматим...

ИЛОХИЙ ИШҚ

*Нутфаки бўлуб бу мазҳари ишқ.
Алишер Навоий*

Нетай, такрор ёндириди ишқ,
Дарду ғамга қондириди ишқ,
Бор дунёдан тондириди ишқ,
На оқилман, на девона.
На ёриман, на бегона.

Боболардан қолиб келган,
Фарҳодлардан ғолиб келган,
Суур, ғусса олиб келган,
Тирикликнинг гаров-божи,
Ишқ-қалбимиз тилло тожи.

Гар тилларда достон-шева,
Гарчи, аксар аччиқ мева,
Гарчи, аксар қиласар бева,
Қалбларимиз доғлаган ишқ,
Бизни ипсиз боғлаган ишқ.

Ҳаёт отлиғ ҳур чаманда,
То жони бор қайноқ танда,
Шайдо бўлар ҳар бир банда,
Майли, қилгай ҳолни хароб,
Қайта-қайта, ишқ, тут шароб.

Муридимиз бизлар унинг,
Мұхаббатсиз үтган кунинг,
Саҳаргача тинмас унинг,
Хор айлама, умматинг ҳеч,
Дариғ тутма, ҳимматинг ҳеч.

Мен мұхаббат сасидаман,
Ҳамон ёш ҳам расидаман,
Битдім сенга қасида ман,
Муқаллас деб тутган ишқим,
Юрагимга битган ишқим.

Тұлғанар жон минг үртаниб,
Манзарни ҳеч юрманг яниб,
Севмай Ҳақни, бұлмас таниб,
Не фарёду ва не оҳ, ишқ,
Яратганга әлтар роҳ ишқ,
Яратганга әлтар роҳ ишқ!

УМИД УЗМАСМАН

Қорайсин чор-атроф зулмат туфайли,
Лочинлар қаноти қайрилсін, майли,
Ваҳималар солсін бойғали хайли,
Севгим, сендан асти узмасман умид!

Күзғұнлар чарх урсін юксак ҳавода,
Махзунлик кучайсін күйда – навода,
Қатағон бұлсін гар толе маъвода,
Севгим, сендан асти узмасман умид!

Баланд бұлсін, майли, сурбетлар құли,
Аҳли ишқ бошида күлфатнинг дүли,
Разолатта ботсін олам ўнг-сұли,
Севгим, сендан асти узмасман умид!

Майлига, ҳар қанча айласин у хор,
То менинг қалбимда муҳаббатим бор,
Манзарга тоабад Худо бұлар ёр,
Севгим, сендан асти узмасман умид!

ХАЁТГА ТАШНАЛИК ҚҮЙМАС ТИНЧ

Ухлолмам, юмилмас ҳеч күзим,
Нечун йүқ күкламим, Наврүзим?
Күзларим юмсам-да, уйқу йүқ,
Күнглимин титратар туйғы йүқ.

Файзини йүқотган боғларим,
Нураган сарбаланд тоғларим.
Агар-чи, кимсага жабрим йүқ,
Не учун ҳаловат, сабрим йүқ.

Куларман күзимда ёш бирлан,
Күксимда қалб эмас, тош бирлан.
Юракда на мадор, на умид,
Инсонми ё шайтон – ноумид?!

Устухон танамда – собит синч,
Хаётга ташналик қўймас тинч.

1993 – 2004 й.й.

1.

Сен-ла, жим хайрлашмоқ оғир,
Айт дилбарим, нечун ғамгинсан?
Ким чаплади? Бундайин моҳир?
Улуг Тангрим буюк неъматин?!

Билмам, жоним, нечун хафасан –
Юрагингни ким қилди пора?
Мен эмасми, хаёлинг бузган?
Мен эмасми, ёшинг оқирган?

2.

Билмам, ёшим, нечада ҳали,
Кечмиш онлар ёди қийнаюр!
Қабарган бир күнглим ичинда,
Куртак очар севги нишлари...

Кун ботища, маҳзун гүшада,
Сен кутгайсан ёлғиз ва ёлғиз...
Сени ҳеч ким келмас истоғлаб,
Мен бормасман сени сўроғлаб.

3.

Қалқиб борар дунё бегумон,
Кўз ўнгимда хиёнат зоҳир...
Кўзларимда қалқир ашқ равон,
Маҳзунланма, ишқ надир ўзи?!

Сен сиқтадинг бесас, кўзёшсиз,
Киприкларинг қуриган оғоч.
Ишқ нобидан ичдик бир томчи...
Улуг Тангрим, бизни йўқламиш.

* * *

Дарё мавжларига бўлиб ҳамоҳанг,
Кўнгилда авж урар кўҳна андуҳлар –
Исмиз дардларга бўлиб жўр-оҳанг,
Унда жилоланар мангу ҳасратлар.

Тўлқинлар мавжланар, қуриган тоқат,
Сабр косаси ҳам қумга тўлмоқда.
Қачонлар мавж урган тошлоқ бетоқат,
Бугун гуллагайму ёки эртага?

Орзулар ушалмас – туйғу омонат,
Нураб борар ҳиддат – қайғу азалий.
Сени тинч қўймагай инсоний фитрат,
Музликлар тафтида исин абадий!

Исинма оловга! Уйқу – хиёнат –
Унда мудрар мудом ғафлат алафи...

Зулматли тун, кўнгил музтариб,
Ҳеч кўринмас ойнинг ўроғи.
Туннинг бағри борар қорайиб,
Кўнгил ичра ишқнинг сўроғи.

Само узра нурсиз чироғлар –
Ёритолмас кўнгил зулматин.
Ҳеч бузолмас изсиз шарпалар,
Туннинг қора шойи пардасин.

Кеча узра зулм қўйган от,
Хаёл отин ўғирлар неча.
Кеча ичра танҳо зулумот,
Танҳоликда ягона кеча.

Ажиб кеча, бекаслик ҳоким,
Мил-мил ёнар туннинг чироғи.
Кўнгилда бир сукунат золим,
Бенишонлик ишқнинг маёғи.

НАҲОТКИ, СЕН, ЎША

Мовий уфқуларга тўш урган кема,
Тўлқинлар бағрида жўш урган кема,
Юлдузни бенарвон қўш урган кема,
Наҳотки, сен, ўша – бўш турган кема?

Қайларга бординг сен, қайлардан қайтдинг,
Наҳот, сафарларга алвидо айтдинг,
Наҳот, қайтиб келмас юлдузли пайтинг,
Наҳотки, сен, ўша – бўш турган кема?

Минг йиллар лол қолар жасоратинг бор,
Бу кун манглайингда асоратинг бор,
Наҳот, мурт танангда ҳароратинг бор,
Наҳотки, сен, ўша – бўш турган кема?

Номард дарғаларинг кетдими ташлаб,
Қолдингми ортидан бағрингни ғашлаб,
Ҳаётингни қайта бўлмасми бошлаб,
Наҳотки, сен, ўша – бўш турган кема?

Қўйиб берсанг кимлар ноҳақ нарх қилар,
Сенга ёт шамойил-шакл, тарҳ қилар,
Қўрқаман, оқибат вайрон, фарқ қилар,
Наҳотки, сен, ўша – бўш турган кема?!

* * *

Бинафшажон, бинафша,
Сенга меҳрим бўлакча.
Дебоча тароватинг,
Баҳордан бўлди мужда...

Бинафшажон, бинафша,
Қалбимга солдинг дарча –
Нурсиз юрак нурланди,
Сенсиз кўнгил зинданча...

Бинафшажон, бинафша,
Завқим сенга ўзгача.
Бир замонлар ёйгансан,
Пойандоз кўнглим уза...

Бинафшажон, бинафша,
Нечун аслинг гунафша?
Учратмадим сендейин,
Малҳам бир қалбга яна...

* * *

Орзуларнинг экиб ниҳолин,
Келди баҳор, ишқнинг нафаси.
Гул ифори, наволар рангин,
Наволанаар найнинг навоси,
Юракларнинг чертиб дарчасин.

Бунда диёр. Унда бодомлар
Оқ либосли – зумрад ҳудуди.
Наҳрлари қайғули шошар –
Гўё, мисли жаннат мардуди⁶.

Водийларда оввора маҳбуб
Ҳаволанаар мухиб чечакка!
Қўйчивонлар майин “мунг ошуб”
Шивирлашар етиб майсага.

Ёбон сари айланар булут,
Рутубатли ҳаво чайқалар,
Шошар ақл! Суронли бир уд?
Маъюсланаар, ўт-ўланлар тар.

Қалб қўрида гирдобланар дуд,
Худудланар рангпар булутлар...

⁶ Мардуд – рад қилинган, ҳайдалган, қувғин қилинган маъносида.

БАНДАИ ОЖИЗ

Заифлик тавқи бүйнімда,
ки юксакликка дахлим йүқ.

Мирзо Бедил

Бандаи ожизман, бандаи ожиз,
Тақдирі азалми, замона зайлі?!
На олдда бир нишон, на ортда бир из,
Аввалу охирсиз аросат сайли...

Кун тунга топширап, тун яна кунга,
Фасллар фармони бешафқат қойим.
Холига маймунлар йиғлар маҳзунга,
Наҳотки, шукронда жоиз, Худойим!

Қаърига ҳар лаҳза тортар тубсиз чоҳ,
Кузғұнлар пайдар-пай бағримни үиди.
Яратған бандасин, наинки, Аллоҳ,
Хаттоки Азроил эсламай қўиди...

Эсиз озод руҳим! Фақир, бекадр,
Чирқирап... чирпирап... жазава... садр!

* * *

Күнглим мудом ишқа орзуманд,
Орзум ишқсиз сароб бегумон...
Мұхаббатим, васлға зұрманд,
Ишқ дафтарим поёни аён.

Юрагимда тенгсиз ҳаяжон...
Наҳот, ҳали қалб узра бир құр,
Наҳот, ишқнинг йұли бепоён,
Балки менга шундай қүринур?!

Кавокиблар тинглар ҳасратим,
Күзларимда мудаввар⁷ ашклар...
Ярим кеча, күнглим ҳам ярим,
Тун сочини рухим сийпалар...

* * *

Қайғули тун, күнгил ёнар тош,
Ғулғулалар мудаввар сирдош...
Парвонадек шам атрофида –
Шод айланар умр баҳори,
Мұхрланиб сұкут бағрида,
Қалбда эрир мұмдек накҳати⁸...
Бедиллар-чи зардан тошланар,
Беозордан нечун ғашланар?
Танқо юрак кезар кечада,
Совуқ кеча, кечар лойзорни.
Изиллайди тунда изғириң,
Лой күчада ёлғиз рұх учар...

⁷ Мудаввар – юмалоқ, доира; айланыш маъносида.

⁸ Накҳат – хушбүй модда маъносида.

* * *

Хаёлим – рангин хотира,
Жонланади шундай рухимда...
Шонли кундан бериб шоналар,
Узоклардан келар шаббода...

Үлка узра Бойчибор елар,
Манглайида азалий шарпа –
Күзларида рангин хаёлот,
Отланади самолар сари...

Мажрух рухим зорланар ҳадсиз –
Күрса эди, шонли онларни...
Фарыб гүша, тоғлар киборсиз,
Қолса эди, шаын ила зора...

* * *

Темиртанни бир бор минганни –
Чавандоз деб қиласлар таҳқир.
Узоқ йиллар, андух зайлими –
Фам чекканни бахши деюрлар...

Үтар кунлар – япроқ сарғаяр,
Үз-үзича дарёлар тинар.
Аммо, қайғу ўша-ўшадир,
Балки, күнгил тарзи озиқар...

Ох, инсонлар чекар надомат,
Гар қылсалар зиғирча ҳиммат.
Кимларгадир қилиб бир хизмат,
Умрларки, тортадир заҳмат.

Бир инсонни қилдик шодон деб,
Унutarлар Тангрини минбаъд...

2.05.2016 й.

ИХРОЖ

Эй санам, малҳам бўл! Қувғин руҳимга...
Алҳол кузатиб қол олис-олисга –
Музликлар бағрига – хориж ўлкага,
Борса келмас ерга – сўнгти маъвога,
Ўзингдан нарига ихрож қил, ихрож!

На даркор, нокерак руҳим шифоси,
Нокерак кўнгилга даҳри дун иши –
Оламнинг лаш-лушки, чексиз ҳудуди,
Унга керак фақат дунё матруди⁹...
Марҳамат айлама, ихрож қил, ихрож!

Ором олсин саркаш қувғинди руҳим –
Мудом жафоларга шай турган кўнглим,
Ўзимдан ўзгага дар-ночор севгим –
Қалбимнинг тубида мавж урган ишқим,
Дунёвий майлдан ихрож қил, ихрож!

Мен тўйдим дунёсин жафоларидан,
Билиб бўлмас сирли хуружларидан –
Оёқ ости номсиз маҳражларидан...
Нокаста касларнинг вафоларидан,
Мурувват айлама, ихрож қил, ихрож!

Кўнгил сен бунчалар ёндинг пинҳона,
Ўзинг куйиб, ўзинг бўлдинг бегона...
Не ситам, не жафо ҳануз сирдона –
Юрак наволарин қилдинг нишона,
Сўнгсиз тунларимга ихрож қил, ихрож!

⁹ Матруд – узоқлаштирилиш, қувилиш маъносида.

ЖУДОЛИКДАН ТУГАГАН БАРДОШ

Бева қолган – чорасиз аёл,
Забун ҳолин излаб малҳамин,
Хуш дамларин эслади дарҳол,
Құмсағ алҳол масъуд онларин...
Унда қолган фараҳбахш күнлар...
Ишқ айлаган масрур, хуш онлар
Ва, бир күнжда исмсиз дардлар...
Жудоликдан тугаган бардош –
Боқар эди маъюс, атрофга.
Күз үнгіда чапланған қондош,
Уни қўймас сира ҳолига...
Гүё, ёри бу баҳор қайтар,
Унга тутар сават-сават гул.
Бу баҳор-да, ғамхорин кутар –
Тараб шохи очмишdir хўб гул...
Ғамгин эди қайғули бева,
У яшнатған боғча саройда –
Бодом қийғос гуллаган заъфар,
Оқ либосли – зумрад ҳудуди.
Наҳрлари ҳайқириб шошар,
Гүё мисли шиддат матруди.
Фақат шошмас кўк либос аёл,
Қўнгли ғамнок бир девона ҳол.
Хўб қўмсади висол авжларин –
Юрагидан ўтказиб бир-бир:
Қани қайтса минбаъд Зафарин,
Босса эди бағрига бир зир.
Атрофида парвона келбат –
Жувон сочин силаса шу он...
Бошин эгди покиза ҳилқат –
Ва, хаёлга толди ўшал он.

Масъуд дамлар ёди-ла ёнди,
Күхна андуҳ завқи-ла қонди:
Қайды қолди шодумон кунлар,
Мұйжаз тұнли оромбахш тунлар.
Бахтли эди үшал ёр ила,
Шер келбатли қаро қош ила.
Күп әзилди, обдан йиғлади,
Мангу қайтмас ёри руҳи-ла.
Каж фалакдан ниде излади
Ва, ғудранди сассизгина жим:
Хөч шубхам йүқ, бунга бегумон –
Кетар сендан масъуд онларким
Ва, ботарсан қайғуга ҳар он –
Безовта рух қўймас сени тинч
Ва, кўзингга санчилар бир синч...
Гўзал эди атрофда баҳор –
Пастда гуллар таратар ифор.
Қувғинди қуш бева қалбіда –
Аёл қалби мунгдан ёришар...

ТУРКИСТОН

Сокин тун, сукунат, бир овоз,
Қисматим мазаллат бениёз.
Овозим ҳеч чиқмас бир бүфиқ,
Мозийдан садо бер, Тұньюқуқ!
Эрта-кеч интизор кутарман,
Келмасанг, водариғ, нетарман?
Тақдирми садпора дил қуюқ,
Наҳот, эзар то абад бу юк?..
Кулсам-да, хаста дил тортар ун,
Жаллод қавмин бир күн тутар хүн.
Келақол, эй буюқ Туроним,
Бүрөнгай дүңгай сас-суроним.
Бир улуғ дард бергин, улуғ дард,
Үйғонгай руҳимда аллар мард!

1989 й.

ЧҮЛПОН НОЛАСИ

Мен кимга сүянай, кимга дод солай,
Мени тинглагувчи ким қолди, ким бор?
Қулоқлар беркилгай, күзлар юмилгай,
Бир сүзим бүғзимда қотган нола бор.

Күксимда бир фарёд, чораси надир,
Ногаҳон дор оғоч Ҳақ сүзин туйгай.
Кимдан-да, сүрайин, Ҳақиқат надир,
Бир тирик ноладир, нурга топингай?!

Эй күнгил, тупроқдек сүзларинг Ҳақдир,
Сендан-да, ализроқ яна кимим бор?
Сендан-да, сүрайман Ҳақиқат надир,
Ҳақсиз оломоннинг фарёдидир ул?!

* * *

Туш күрибман. Бүзлайди пола:
Айни жасоратдир... сүнгги сүз...
Қадақингдир шабнам-ла тұла,
Тутгил қадақ, полажон сүнгсүз,
Полажоним – сүнгсиз андуҳим.

Эхтимолки, үтгандир ёшлик,
Балки ажал бетаҳаммұлдир.
Не бұлса-да шодумон-шүрлик,
Шүрлик қысмат қадақин синдир!
Полажоним – қадим андуҳим.

Менга хушдир, ахир бу – қайғы,
Ичмоқ оғир менга, шодликни...
Меҳр бергил, бир чимдим – оғы,
Хажр ичра ёнур жаҳоним!
Полажоним – шириң андуҳим.

Жаҳон хокий, шаксиз вафосиз,
Ичиндадир, сүzsиз жафолар!
Ёруғ жаҳон – ошкор ниҳонсиз,
Бемажолдир, күхна ботинлар...
Полажоним – ёвуқ андуҳим.

Айтгил надир сүнгги видойинг?
Бу жойлара йүқдир дүнмагим...
Э воҳ, дұнар азал сипойинг,
Ёнмоқда-ку ғарип жаҳоним!
Полажоним – сүzsиз андуҳим.

Сен ўшасан! Ўша тароват,
Ўша оҳанг, ғаройиб туйфу –
Фақат ҳузн, ғариб ҳаловат,
Сүнгти унут дамлари «ёху!»
Хайр лолам, сұңгсиз андухим...

* * *

Тушимда шеър түқирмишман,
Гулдан қанот, ипакдан бұз...
Юрагимни ғижимлаб-ғижимлаб,
Ундан бир қүш түқирмишман,
Тушимда шеър түқирмишман...

Худога сүйлаб, оломонга сиғиниб,
Андух томчилари ичра худнамоман...
Кетармиш уммонга тұлқинлар юлқиб,
Кема ичра бұзлар әмишман танҳо,
Тушимда шеър түқирмишман...

Нечун эртакнамо қараашларимиз,
Нечун ёлғонни рост үқиймиз?!
Нечун ишончлимас чин ёлғонимиз,
Нечун, нечун сұзламас иймон?!
Тушимда шеър түқирмишман...

23.10.2016 й.

* * *

Оппоқ дудга тұлар кенг осмон,
қара, ҳозир кумуш зар сочар!
Қовоғида мүжиб ҳаяжон,
болиши-да, шиға-шиға пар.

Изғиб-тұзғиб ғуж-ғуж қор ёғар,
изғириңда сарсон-саргардон.
Пар сингари тұзғир саросар,
яна тушар... бағрида армон.

Бириңчи қор! Даракчи-намчил,
айғоқланиб ёғар бөғимга...
Бу сафарғи авзори дардчил,
мағурланиб ёғар қалбимга.

Ёғар оппоқ, шиғир-шиғир қор,
атроғимда кумуш тонг отар.
Ётар оппоқ, мизғиб-мизғиб қор,
болишида парчин-парчин тар.

Оппоқ дудга тұлар кенг осмон...

* * *

Мен нега сиғиндим, нега топиндим,
Интилганим рүё ё эътиқодми?
Бўзлаб дарёларга тўкдим ҳасратим,
Фариб дарёларнинг шовури тинди.

Кўнглим само янглиф, нурланар ойдек,
Мен энди кетайин муаззам ёғду.
Наҳот, тўкилдик биз, наҳот, биз тўлдик?!
Зулм аҳкомида биз қурбон, мангу!

Наҳот, юҳо нафснинг бўлдик қурбони,
Мунжиёт кунжидан излаймиз нажот?!
Хафа бўлманг дўстлар, ҳар неки, ўтди,
Бизни чорлар мудом ғаройиб мўъжизот.

Ҳар на ўтди, ахир, биздан ўтди-ку!
Ахир, ёруғлик деб, бўлдик биз хароб.
Надир бу – тилим лол, кўтаҳназар-ку!
Қаерга боқмайин қоронғу, сароб...

Турфа хил овозлар – кўнглим ўядир,
Илоҳий интиҳо – мавҳумот майли,
Ёлғизлик ғами не, бу ахир, надир,
Нур ва Зулмат, нечун аросат сайли?!

Изғидим қафасда, нетдим чор кунжли,
Излаганим Нурми ё Зулумот аҳкоми?!

* * *

Тафаккур чирофим тезроқ ён энди,
Фамнинг кулбасига кираётирман.
Ёмғирларнинг ҳарир пардаси ҳаққи,
Тириклар, бир чимдим меҳрга зорман.
Беозор мусича, дил уйин қоқгил,
Нега тонгги гуллар тилсиз ва мунгсиз?
Келгин, фамнинг тахир бодасин ичгил,
Тонг чоғи лолани үпайлик сассиз!
“Рұхим юксакларга қылабер парвозд”,
Ҳақ сүзин айтишдан забонлар музтар.
Мушкулкушод Онам, дуо қилинг боз,
Исмсиз онларда фамбода төзтар.
Бугун үзгачадир фамнинг исёни,
Бир сүзим, бир үзим үртада талош –
Қайси бири барҳақ, Ҳақнинг шоёни,
Ҳажр бўстонида сабрсиз бардош.
Нафрату ғазабдан кўнглим айрилсин,
Сабр бўстони бу – Ҳажр бўстони.
Сен томон Оллоҳим руҳим қайрилсин,
Бугун фармонбардор, фамнинг исёни...

Ай, сен, хўрланган, тобинган сингил!
Нурланар чеҳрангда ғамнинг чизиги...
Сочлари супурги, ғамхона сингил,
Қайғурма! Бошқадир шаъннинг қибласи...
Сени топтагандир кўнгли ғариблар,
Бир йўқлаб келмаган, наҳотки, Отанг?!
Бир бурда нонга зор қилди ағёрлар,
Сени бир эсламас, наҳотки, Аканг?!
Ўтадир жафолар, етадир вафо,
Бир кун кўчангдан-да, ўтар Ҳақиқат!
Фақат сен унгача собит тур, Вафо,
Ўтинчим шу кун-ла, яша барҳаёт!
Ўксинма! Эй дағёр, асрий ғамдошим,
Бошиングни урмагин Остоналарга.
Сенинг-да ризқинг бор, ишон, малагим,
Фақат қилма кўз ёш Бегоналарга!
Бир чимдим меҳрга ташна – хор Аёл,
Нечун, таҳқирланар иймон шеваси?!
Сочлари фатила – эй Гўзал, Ҳаёл,
Асрлар сангида яшайдур Аёл...

1989 – 2000 й.й.

ЭНГ УЛУФ НОТИҚСАН

Энг улуф нотиқсан – Тангрим паноҳим,
Тегрангда ҳар дараҳт – қаламинг қодир.
Зангори япроқлар дафтаринг – борим,
Ёмғирли найсонлар – сиёҳинг нодир...
Мен кимман, бир ожиз, ханжарим сүздур,
Руммоний уфқлар сари ёнаман...
Сўз-ла яшагаймен, сўз-ла ўлгумдур,
Қоронғу уммонлар сари бораман.
Замирим ичинда яшайдур сўзлар,
Ҳали айтилмаган, бу сўзлар бўзлар.
Рұҳимнинг парвозин бу сўзлар кўзлар,
Сўнг бора, бир бора – имоним сўзлар!

БАФИШЛОВ

Эй Инсон, азизсан, сен мукаррамсан,
Тангрим улуглаган, улуғ неъматсан,
Билсанг пойингдадир, арзу мукаррам,
Билсанг кўксингдадир, самовотпаймо,
Тўлмайин паймонанг топгил қадр-шашн.

Сенсиз бу дунёда хорман, кандалман,
Ёлғизлик ярашур Тангрига фақат,
Сен кўзгумсан айтсам, дўнсам суюнчсан,
Сенсиз кунларим-да, ўтар бешафқат,
У дунё-ю, бу дунё ҳароратимсан...

Эй, шафқати ғамхорим, қара кўнгилга!
Яшайди кўнглингда нафосат боғи,
Равшан эт хотирни, ғамни тут сирдош,
Ғамдир ишқ-муҳаббат, муҳаббатдир ғам,
Сенсиз нақларим сароб бегумон.

Дунёдўст эмасман, жомим хотирот,
Хотирим ичинда яшайдир шифо,
Тингларман Шифони, замирим нажот,
Ғафлатдан уйғонар инсоний фитрат...
У дунё-ю, бу дунё ҳароратимсан...

* * *

Сүз бўлиб туғилар улуғлар ёди,
 О, Яссавий бобом – қоним, имоним.
 Менга мадад беринг – бир имкон сари,
 Нақадар ожизман, бу қадар ёлғиз...
 Менга бир сўз беринг, кўксим тилкалай,
 Менга қанот беринг, гар сўзлар увол.
 Учайин кўкларга бир Худо ҳаққи,
 Рұхим парвозисиз, мен хароб, нетай?!
 Дунёни қизғанманг, эй, азизларим,
 Бир чимдим меҳрни қизғанмоқ нечүн?
 Қизғанманг бир сўзни, Озод ҳақ сўзни,
 Мазлумлар кўнглига бир кут бериш-чун...
 Наҳот, валваласиз яшамоқ оғир,
 Наҳотки кишанбанд туйғулар ахир?!

* * *

Кўнгил ичра бунча сукунат,
Бунча ситам – андуҳбахш садо.
Садолари ичра мусибат –
Мусбатлар ичинда наво.
Наволарда бир ажиб туйғу,
Титраб кетар кўнгил боғлари.
Боғлар, боғлар белини мангу,
Ишқ чилвири – абад чилтори.
Унда қайғу қўрғони абад,
Асрар нангу номнинг¹⁰ ғарибин.
Асрларнинг санги то абад,
Излар танҳо сангюрак нангин.
О, кўнгилнинг йўли-да, танҳо –
Очилади ғариб хиёбон...

¹⁰ Нангу ном – ор, уят; номус, номусу шараф; қабоҳат малиносида.

* * *

Сени эслаб келмайди уйқу,
Ёдга тушар аччиқ бир армон.
Кеча ичра тұлғанар түйғу,
Хеч тасалли бермас пушаймон.
Варақтайман хотираларим,
Ложуварддек товланар севги.
Унда кезар севги онларим,
Үксисб-үксисб юрак қалқийди.
Иккимизни айирди фалак,
Айри-айри тушди йұлимиз.
Нимталанди бечора юрак,
Капалакдек учар умримиз.
Ёдга тушар бұзлаганларинг,
Хеч түймадик севги сеҳрига.
Фамгин ётар саҳфада аксинг,
Биз түймадик аччиқ меҳрга.

Ложуварддек товланар севги...

Интизорман, құзим нигорон,
Яна сени эслаб бүзладим.
Холбуки, күп бўлмади, ишон,
Сенга атаб шеърлар битганим.
Лекин ўртар бегумон юрак,
Туманларда йўқолган севги.
Оғир-оғир хўрсинар терак,
Танасида зирқирар белги.
Чуқур сой-да маҳзун солланар,
Бағри узра севги ложувард.
Яна келдим, андуҳим сўйлар,
Наҳот, ташлаб кетди улуғ дард...

1.

Аросат дафъидир Чилёсин,
Сен ўқи! Эй қори, қирқ Ёсин.
Ёсин-ку дардларга шифодир,
Қуръоннинг қалбидир бир Ёсин.

Сен тушир Чилёсин, бир соҳир,
Дардимиз кўп оғир, кўп оғир.
Яшармиз хўп нолон, эҳтимол,
Начора умр ҳам ўтгайдир.

Ёсиндир гар имон дуоси –
Виждоннинг қатида Чилёсин.
Оятки, Эгамнинг муждаси,
Юрагим дардларин қирқ Ёсин!

Ёсуман фирибин хўп едим,
Ё Тангрим, асрагил имоним.
Сарғайди устухон заъфардек,
Сен тушир қирқ Ёсин, эй қорим.

2.

Сен тушир қирқ Ёсин, эй қорим,
Тиқилди бўғзимга минг ситам.
Заққум ичдим дунёларидан,
Бағрим ичра кўмдим-ку борин –
Юрагимни тимдалаб ўйиб...

Фурсат ҳам эҳтимол етгандир,
Бу фоний дунёда меҳмонман –
Муҳтасиб қарзларим кўп оғир,
Ёзиғим ўлчагил, сен шоён...

* * *

Бир кечмиш қошида турибман саркаш,
Гүёки, товада турган балиқдай.
Беҳуда бариси, бари жафокаш,
Билмаган лаққа ҳам пошин илмоқли...

Қисматим тайиндир юрмайин қанча,
Йўлнинг ҳам поёни бордирки тайин.
Қанча уринмайин, Худойим шунча –
Бергани бўладир ахири, остин...

Ширин меваларни еманг қанчалар,
Бир куни чиқадир бари бир тахир...
Шунчалар ширинми дунёки дундир?
Охири аччиқдир тақдири азал...

27.10.2016 й.

БИР КИШИННИГ ҮФЛИГА АЙТГАНЛАРИ

Қанду набот тутган құлларинг қадоқ,
Нолиши билмаган күзларинг Сайхұн.
Ускуна ёнида тунлари адoқ...
Маюс боқишинг-ла күнглим-да Жайхұн.

Наҳот, қуд(д)усия анфоси бефарқ дафъатан,
Машқлар бадалдир қисмат чун азал?!
Бұлдикми қарздор, наҳот безиён,
Бир умр маҳкүммиз, хұп зарбулмасал?!

Яроқсиз машқларим хонтахта узра –
Яшайди чанг босиб йиллар беармон.
Шу мунгсиз сатрлар яшасин, – дея
Худбин ёзмишимни ардоқладим шон.

Аслида, хұб шоир сенсан болажон,
Сирли юрагингда кечмишлар баён.
Жонингни хатарга қўйиб, ҳар томон –
Мен ғарибни авайлайсан бегумон.

Мен ҳеч ким эмасман, сен ишон фақат,
Бундайин бардошни олгансан қачон?
Шундайин матонат, шундайин қисмат,
Қанийди менга ҳам бўлсайди нишон.

Езувсиз үтардим дунёдан, балким,
Сўзларни қилмасдим беҳуда беун.
Шундайин омонат яшашдир аҳдим,
Тавқи тоқатларга раддимдир очун!

Афсуски, яна мен хаёл измида
Хайр, кетаяпман хаёлот томон.
Тааммул етаклар, манзил ботин-да,
Токи, дүнгунимча омон бўл, омон!

Мени сассиз – машрабона тавр –
Ҳеч қўймас гирибон, ҳамроз гирялар.
Сенинг толейингга Худо мададкор,
Сўзсиз дуоларим сенга бўлсин ёр!

Сени эслармидим тахайюл ичра?
Қанийди сени ҳам қилсан сарафроз.
Бир умр яшасам боқиб сўзингга,
Муштоқ бу кўнглингга топармидим роз?

Тентак хаёлларим қуршовидаман,
Осонмас қутулмоқ бундай аъмолдан.
Сени қизғанурман ёлғон ўйлардан,
Менинг юрагимга келгил “марҳабан”...

Кўнгилдан тингласанг шеърнинг охини,
Эшитарсан шунда шоир додини.
Ахир, ҳеч вакт: “Азим дарё ҳайқирмайди”,
Монанд дерлар: “Доно киши бақирмайди”.

Кўнглинг чаманидир “зимистон” ичра,
Қадду камолингни кўргай-му офтоб?!
Пайваста нигоҳинг ускуна узра
Сени англаюрму бир зоти моҳтоб?!

Майли ийманавер Оллоҳингдан сен,
Ўзгалар не деса қилмагил парво!
Ийманиш ўзи хўб саодат, инон,
Асли бу имкондир, топилмас рано.

Кун ярим – хаёлим соҳилий кема,
Тун ярим – кўнглим унга рудхона.
Муҳаббат дардидан бехуд ҳампеша,
Оқиллар бу дардан фориғ ҳамиша.

Наҳот чирпандим мен, сен ўксинмагил,
Мўрт вужуд, ахири маҳкум синишга!
Сенга қолдиролмай дунё матоҳин,
Дунёниг оғирин қўйдим илкингга...

Мен шундай bemажол, бир қуруқ тўнка,
Қанчалик боқмагил, бу қўҳна стун.
Фурсатлар ғанимат, турма беҳуда,
Сен интил фарзандлар камоли учун!

Майли “беман” яша, яшама эркисиз...

14.09.2015 й.

* * *

Қачондир инсонлар танир ўзлигин,
Балки очилгайдир роҳ кўнгил сари.
Қачондир бўронлар қиласи ўз корин,
Ер узра қолмасдир хазонлар, балки...

Унсиз яшамоқнинг келар замони,
Ҳар тараф бир хил ранг – рангизлий.
Қолмагай юракнинг не чоғли ғами,
Сукунат, ҳукмрон надир бефарқлик...

Йигирма беш ёшда учрадим дардга,
Шеър дарди олдида у ҳеч писандмас.
Ахири узлатдан топдимми нажот,
Йигирма беш баҳор сақладим сукут?!

Яна бошим узра ғарид савдолар,
Яна тўкиладир қонли кўзёшлар?!
Ҳайҳот, яна чорак аср сукунат,
Наҳот, забонимни кесар бу кулфат?!

1.01.2015 й.

• • •

Шундай бир висолни құмсаган юрак,
Чидармикин энди, жудоликка кош!
Кошки, парчаланган ички бир тиргак,
Хажр саҳросида бұлар сұнг бардош.

Ногаҳон чирпандим, ногаҳон турдим,
Атрофим сокину күнгил bemажол...
Ненидир топдиму надир йүқотдим,
Күнгил бир шарпага нишондир, алқол...

Атрофим сокину күнгил bemажол,
Нима бу? Безовта руҳим шикаста,
Наҳот, сұнғти нафас – шаън узра беҳол –
Озодлик құшиғин куйлар пайваста!

* * *

Юрак оғриқлари, наҳот беомон,
Фамгусор ҳайқирап айғир отлардай.
Билмадик қанчалар умр бор ҳамон,
Андуұлар нимталар бағир қарчиғай.
Садоқат сен мени зинҳор ғашлама,
Холбуки, үзимдан кечдим, дороғоч!
Турибман шабнамдай, дүниб ташлама,
Жовидмас, бир куни қуригай оғоч?!
Жодугар ҳаётдир, солдик ойнабанд,
Ёлғонлар, рүёлар, қандоқ бозигар.
Келиб-кетарини билмайин дилбанд,
Ич сари сирлангай шундайин созгар...

15.02.2016 й.

* * *

Бир оҳанг силқийди кўнгилда саҳба¹¹,
бўғилар нафасим, гўё сўнгги сўз...
Фариб сукунатнинг шовури зарба,
оҳ-воҳлар етмасми оҳимдир бесўз?!

Оҳ, виждон шеваси нақадар жозиб,
жаранглар бу оҳанг кўнгил чоҳинда.
Наҳотки, қайтдинг, шунчалар нажиб,
хўрланган иймоним, ғамбода тунда?!

На руҳда ҳаловат, на танда тоқат,
вужуд деганларин йўқдир адоги.
Кемирар руҳимни бир тавқи лаънат,
хазондек сарғаяр руҳим япроғи...

18.02.2016 й.

¹¹ Саҳба – “қадаҳ” маъносида.

* * *

Туғилдим соати сангинда сайёр,
Азалдан бошима тушар савдолар.
Наҳот, бори кечмиш нодилпазирдир,
Наҳот, шодликларнинг адоги ғамдир...
Дарёниг борлиғи увлайди бехос,
Кўнгилга солади ғашликни қийғос.
Қилмишлар, ахири потрайди нохос,
Наҳот, бори сароб, боридир қасос.
Эртакмас, эрмакмас, умри жовидон,
Шундан диллар ҳузн, шундандир озор.
Фариб сукунатнинг кечмиши сокин,
Коинот буржига агаддир пойдор...

1.02.2016 й.

* * *

Тунги боғлар бағрида танҳо,
Сүқмоқ йўли айридир, рангиз.
Йулакларда ғазанфар¹² борҳо¹³,
Пайвастадир ер узра гардсиз...

Шундаймикан қисматки ўйин,
Ботинингга чанг солар моя?!
Рез-рез қиласар юрак меҳварин –
Наҳот, булар ғамларга доя?!

Узоқдамас, ўз ерингдадир,
Йўлинг пойлар қотили ожил.
Кунда эмас, бир куни синар,
Кўзгу ичра балқиган ожил...

29.09.2016 й.

¹² Ғазанфар – шер.

¹³ Борҳо – марталар, дафъалар.

Кун сайин боряпман тупрокқа сингиб,
Умрлар измида сарсон-саргардон...
Тоабад кавокиб сайрига мансуб –
Рұхим юлдуз қадар учмоққа шоён.

Чұлу биёбонлар масканим бу кун,
Ёнишга муштоқдир шу мұзтар дилим.
Сұнгги маъволарни құмсайды, о, Тун...
Билмам, нени истар бечора күнглим.

Балки, чұл-барҳанлар күнгил қувончи,
Наҳот, изтиробдан тонди бедиллар?!

17.08.2016 й.

* * *

Нимбисмил, нимкала калладай,
Муйилиш узра сарсон-саргардон...
Зарнишон тугмали кимсанбой,
Билурлар ўзларин беziён...

Найранглар оламин саррофи,
Ассалом қотили хийлагар!
Номаъдуд инсонлар ожили,
Ноғиздир ажали ҳофизлар...

Кўланка-шарпага қойиллар,
Қойимдир бир умр қатлгоҳ.
Машварат майдони ҳозирлар,
Туарлар мунграйиб ҳашргоҳ...

5.09.2016 й.

* * *

Оппоқ тишли бурундиқ одам,
Ишшаяди тишлаб сигара.
Күл күлдонга беради салом,
Сигарани итқитар зора.

Қилмишидан мамнун, дафъатан,
Сигарани тортади тикка.
Бир зум үтмай тикилар мабод,
Зұр ағылни совурап күкка...

Гүё исөн қовурага сиққа,
Забонини кишаңбанд қилар.
Бор-будини чиқарап йүққа,
Хаётига құяр нұқталар...

7.08.2016 й.

* * *

Күйдиради офтоб жизғанак,
Күнгил ичра сирқирайди муз.
Тұқидимми шеърни жонсарак,
Уқолмадим күнгил оламсұз?!

Шириң жоним топтайди вужуд,
Топиб бер дер шамойилимни.
Юрак чизар суврати хоксуд,
Чизгилари оташнок лаъли...

Үтар йиллар, ботин шундайин,
Доманғирдир номсиз нишона.
Сарғайды-ку устухон рангин,
Наҳот, шундай тұлар паймона?!

15.08.2016 й.

* * *

Эсимда ўша кеч сокин оқшом ол,
Чехрангда маъюслик мавжланди гүё.
Сенинг хотирларинг ўқиёлмай лол,
Ўзимни ҳар ёнга отардим борҳо.

Зору ночор эдим мудҳиш лаҳзада,
Фамгин хаёлотинг совурар аҳдим.
Музтар бу замиринг потради шунда,
Сени англолмади наҳот замирим?!

Айт! Ахир аҳдимиз гумонмиди ё?!
Нечун балоларга этдинг гирифтор?
Тоабад маҳкумман, наҳот йўқ оро,
Сўнгги тўкилган барг қисматим рафтор?!

Наҳот, муҳаббатнинг ёзмиши қаттол,
Эзгин хаёлларни қилас бетизгин?!

Бир лаҳза гумондор қора bemажол,
Сокин онларимиз этгандир қуюн...

27.07.2016 й.

* * *

Қандоқ қилай, недан бошлай гап,
Қайда қолди ғазал ёшлигим?!
Сен сүзлайсан бүзликдан хүп зап,
Мен-да йүқдир, сендадир үзим...

Нелар тушди ошёним узра?
Бошим учди самолар сари!
Яна сени эслаб узлатда,
Термиламан ажиб бодага...

Наҳот, қайтмас абад суроним,
Сувга чүккан тошдек қаноат?!
Сиёҳпүшдай дүнап ҳур оним,
Тонгу шомим бесар жароҳат?!

5.08.2016 й.

Том бошида бүзлар қизғалдоқ,
Якка-ёлғиз бағри узра доғ.
О, бунча ҳам ёлғиз қизғалдоқ,
Айрилиқдир әгни узра қон...

Гар бетимсол фасли навбаҳор,
Сарин шамол эсар бир бесас.
Осмон рангсиз, булат бесабр,
Қизғалдоқ-чи, әгилар маюс...

Ёлғиз бағри ичра минг бир доғ,
Том бошида бүзлар қизғалдоқ...

* * *

Фам ошиқар дилимда наҳор,
Аччиқ дуддан ёришар күнглим.
Ёмғир ҳиди димоқقا урар,
Мен күнгилни, Баҳор! Соғиндим.

Димоғимни қитиқлар бир дуд,
Фам чечаги мудрар дилимда.
Тарқар дудлар бир кун беҳудуд,
Шунда ғамлар яйрап унимда.

Бунда сойнинг шарқироқ уни,
Тун қўйнида аллалар мени.
Соғиндингми руҳим сен уни?
Юрагимга санчилар туни...

Бугун ўзни таниди күнглим,
Эрта сени йўқотдим гулим.
Кун отарда дардларим – шаъним,
Кун ботарда ғамларим – оним.

Анҳорларда сув жилоланар,
Баҳоримсан сен мени наҳрим.
Юрагимда барқ урар абрим,
Уйғон қалбим, уйғон чечагим!

СҮЗ РУХИ

«Үз күзинг билан боқ үзингга, сұзға үралгин.
Дунё одамлардан әмас холи. Икки оламнинг
асоси Сүздир, чунки Сүз Ҳақдан мұжда бўлиб
келди. Ахир, Арши аълода битилган “Лавҳи
маҳфуз” ҳам Сүздир. Ҳамма нарса Сүздан
ижод этилган ва Сүзга қайтади».

Фаридиддин Аттор

Умрим бўйи бағрим қиласар хун,
Калом билан бошланар ҳар кун,
Калом билан ҳам топар якун...

Баъзан кўнгил ўртанар ғариб,
Ғамдорини бир оз ютиниб,
Сүз руҳига дўнаман ҳориб...

Эй оломон, шошасиз бунча,
Бу йўлнинг-да, бордир адоги?!
Қизғанмангиз бир Озод сўзни!

Нолалардан тугаган бардош,
Бир сўз, ахир, руҳнинг озиғи!
Тиклаб олинг руҳи равонни...

* * *

Ёрқин саҳарларда сени ёд этиб,
Ёдимнинг кўзлари тундай қорайди.
Энг узоқ мозийдан ёлқин гул териб,
Қоронғу кулбангга тўқдим гулимни.

О, аччиқ қисмат бу, сиқтамоқ жоиз,
Йиғламоқ, сиқтамоқ нақадар сиёҳ...
Кўзимнинг жоласи жилғадек ожиз,
Қўмсайди қайғулар ёмғирин, эй воҳ!

Ай, ишқнинг нидоси – кўнглим фунчаси,
Ҳажр бўстонида сарғайган бир ун.
Унда ошиқ бўлган ҳажр куйчиси,
Қақнусдек ўртанар кул бўлмоқ учун.

1.

Бутун кеча ғариб сукунат,
Кўзларинг-да тундай қаро нур.
Сени мендан айирган зулмат,
Бир зулматки, мангуга масрур...

Тураг эдинг олдимда мағур,
Очмас эдинг андуҳлар сирин.
Билардимки, руҳинг қийналур...
Нигоҳингда ғамгин ҳаяжон.

Ғамнок эдим нигоҳларингдан,
Қақшар эди қалбимнинг руҳи.
Эзилганди қалбим ич-ичдан,
Ҳис этгандим туйғуларингни...

2.

Зорланарди қалбимда тоқат...
Сукунатга пайваста тоқат.
Кўймас эди буткул ҳолимга,
Қарошинг-да мубҳам нишона...

Мени сендан айирган тоқат,
Жудоликка бардошинг етмас.
Юрагингни кемирар тоқат,
Бир тоқатки, ғамлар яширин...

* * *

Хаёлингда не кечар, дилдор,
Кечмишингдан сўйлама зинҳор!
Мен ҳам нурга чўмганман бир бор,
Таъқиб қиласар, у мангу озор...

Эргашадир ортингдан соя,
Шарпа узра бурканар, у ишқ.
Не қилассан биликсиз доя,
Сукут ичра етаклар лиқ-лиқ...

Мушкул эрур ундан қутулмоқ,
То маҳшаргоҳ садди роҳимдир.
Кўнгиллар-чи ғоч-ғоч тумтароқ¹⁴,
Дардларини ютиб, кутадир...

Хаёлингда не кечар, дилдор...

* * *

Үтди аччиқ қаҳратон заҳри,
Кириб келди қўклам нафаси.
Юрак узоқ кутгандир, ахир
Тўйиб-тўйиб ичди шабнамни.

Узоқ соғинч, узоқ қайғудан,
Ботин чунон очилди гулдек.
Ўтиб кетган қонли доғлардан,
Яна унди, ғамдир бир чечак.

Бунча кутдинг интиқ баҳорни,
Ғам қўйнида қишиладинг кўнглим.
Замин қучти, сен бойчечакни,
Кўнгил ичра доғларни кўрдим...

28.03.2016 й.

• • •

Ёмғир чунон йүрғалаб ёғар,
Гезарган хок лабин эркалаб.
Фир-ғир шамол гүё, йүрғалар,
Елланмоқ чун чодирин ташлаб...

Юрагимда дард бор онажон,
Қабарган ғам нечун яшажак?
Мен билмасман үзимни ҳамон,
Қайғы оти қайга әлтажак?..

Ёзмишларим бир дунё, надур?
Юрак сендан үтінчларим бор.
Құй ҳолима, күйинма дилдор!
Хораларга тұлған қўнгил, ёр...

10.05.2016 й.

• • •
Қайғурмагил күзлари зебо,
Нигоҳимда томчилар сароб.
Хеч қуйинма қилмасанг видо,
Беҳудадир эндики ё, Раб.

Раббим бизни унуган қачон?
Унугтармиз наҳот, үзликни?!
Шодлик эмас андуҳлар чунон –
Қалбимизни шатталар туни...

Шалтоқ түхмат чанқатдими хүб,
Наҳот, аччиқ ашъордан түйдик?!
Түқиб бўлмас ипдан бай-байлаб,
Нобоп гилам боплаб тўқидик...

Инон менга суюкли малак,
Қилмагил сен жонингни ҳалак.
Бефойдадир ёзғиришларинг,
Йўқолганмиз бунда бедарак...

Вовайлолар бунда унудир,
Қийқириқлар мавриди келди.
Үтиб кетди ёшлиқ дарбадар,
Кириб келар асо тўқ-тўқи...

31.05.2016 й.

* * *

Буралиб пайваста оқар сув,
Тополмасдир поёнин асло?!
Тоқатлари тоқ бўлиб сулув,
Балолардир ютгай, вовайло...

Баъзан шитоб, баъзан оҳиста –
Оқар дарё жўшиб шиддат-ла,
Гоҳ солланиб, гоҳо сокинлаб,
Мангаликнинг қўзёши бўлиб...

Дарё уни гоҳ сассизланар,
Кўнгил ичра бир наво дўнар.
Анҳорларда қадимий оҳанг,
Рангинашар, балқир ҳамоҳанг.

Тошдан-тошга урилар беҳол,
Томчиларга бўлинар дарё.
Гўё аҳдин эслар bemажол,
Ҳолсиз оқар, bemадор рўё...

Боққа кирсан бүғот шойиста,
Шакланар, қўзлар-да сузук.
Хотирамнинг парчаси унда,
Ажиб, бунда зарришта узук...

Сув ногаҳон ботинан жўшар,
Кечмиш ичра ясаб ойнаванд,
Юрагимда сўнмас азобдир,
Сувга чўккан тош узра пайванд...

3.06.2016 й.

ВАЛФАЖР¹⁵

Вақтлар измида ёниб бир куни.
Валфажр дүнадир ғариб уй ичра.
Кутавериб тоқат тугар шу куни,
Пешайвондир пайваст анинг қошида...

Айролиқ бўстони – гулзори ҳижрон,
Машаққат ичрадир ҳажр гултожи!
Буни англагандек қалдирғоч бийрон,
Номавзун фарёди нишон пешайвон...

Ухломас хасларин қўзига суртиб,
Гўё рўзи жазо яқинидир яқин!
Субҳи содиқ сиктар жигархун бўлиб,
Тонг чоғи андуҳлар ёяр чодирин...

Кетгиси келмасдир бундан бир умр,
Лек, манзил қиласдир таъқиб беомон!
Юрагин ҳовучлаб қиласар нолалар,
Наҳот, борар йўли бунча бепоён?!

Нузул¹⁶ бўлган ахир сураси “Валфажр”,
Шундан бери одат валфажрхонлик.
Гўё қалдирғочлар мужладир ажр,
Андуҳ айёмлари яқин, ваъзхонлик!..

10.06.2016 й.

¹⁵ Валфажр – тонг, саҳар; ибтид; қалдирғоч: Қуръони илрим сураси маъносига ишора (“Тонгта қасам”) маъносида.

¹⁶ Нузул – кўкдан тушиш, осмондан пастта эниш маъносила.

* * *

Эртакка айланар ёлғон ваъдалар,
Ваъдаси ёлғон кун келар қай бир кун?
Эндики ваъдалар қачон чин бўлар,
Ночор ёлғонларга берамиз бўйин?!

Қорбости қиласидир, “нурёғилари”,
Нелар ўтдилар, не савдолар ўтди?..
Қорин қайғусида қоринбойлари,
Гүё ҳеч кас билмас зўр алам ўтди...

Тангри унут бўлар ўтрук қошинда,
Сўзлар бекадрдир ножинс олдинда.
Улар ким? Ёлғонни кунда тўқиган,
Киши беёш ўтар кекса ёшинда...

Бу қандай синоат, қандай мазаллат?
Инсон үз-үзини хўрлар дафъатан?!
Сиз-бизга айланар инсоний фитрат,
Билганин рост деса мўртдир ҳар бир тан!

Ҳайҳот! Инсон асли унут нишони,
Азал наққоши-да, босгандир муҳрин?!
Наҳот, шундай ўтар жовиддир умри,
Наҳот, шундай қолур бу кўхна очун...

10.06.2016 й.

* * *

Тұққыз қават күринар само,
Боққанимда тұққыз ичра зор.
Ох, қатига тортгудек гүё,
Тұққызларга ҳамрозлигим бор.

Шундай тақдир, шундайин қисмат,
Юкунгайман тұққыз қатла мен.
Гар бүлмасак девонасифат,
Билармидик инсон фитратин?!

Недандир у, фақирлик васли?
Муни билган комилдир, насли.
Аспликин билмаган касни,
Худо билар ишини, асли...

Минг бир қатла юкунишим бор,
Гар дүңганинг рост бўлса халқим?!
Мен қайтмасман, бардош юки ёр
Қолиб кетса керагим-тарҳим!..

Тұққызларга ҳамрозлигим бор...

4.05.2016 й.

ДИЁРИМ

Олис манзилларга кетсам-да йирок,
Юрагимда она юрт солган фироқ,
Қошига чорлагай бамисли чироқ,
Баҳорги Сайхуну Жайхундай тошиб,
Қайноқ қучоғингта қайтарман шошиб!

Хаётим йўлларин ёритган нурсан,
Жаҳон ганжи ичра бебаҳо дурсан,
Наҳотки, бу айём озодсан, ҳурсан,
Боболардан мерос Диёрим, онам,
Етти иқлим ичра ёлғиз-ягонам!

Тарихинг қошида жаҳон эгар бош,
Буюк афсоналар сўйлар ҳар бир тош,
Париждан қадимроқ шаҳри Кешу Шош,
Эй, Буюк истиқбол буюк бешиги,
Диёрим, очақол иқбол эшиги!

Фикру зикрим мудом юлдуз-ойингда,
Жавоҳир Зарафшон дарё-сойингда,
Замзама ҳар гуша, ҳар маъвойингда,
Сен учун, она юрт, баҳш этиб минг жон,
Бағрингда яшарман мангубеармон!

• • •

Кездикми пайваста Ҳисор тоғларин,
Гүё бунда тортар үзлик ниқоби...
Қирларнинг нафаси дўнар кун сайин,
Оҳ, бунчалар нафис юртим ноласи...

Надир элитолмас кўнгил одамзот,
Шу тоғлар олдида тиз чўккум, бироқ?!
Суянчим, мададим сўзлардир шамшод,
Гар кўнгил чўкса-да, Ҳисорак фироқ.

Қаранг! Қуринади йироқдан Тамтуш,
Ана нарироқда Чунгирак мустар.
Бу сўз яқин, қадим-кўхна оҳангмиш,
Бу сўз ботинимни дафъатан тирнар...

Тағофил боқдикми, наҳотки ғофил?
Ботин асроридан сўйлар ҳар навда:
Қадим асотирлар ўрлашар, най дил,
Дараҳтлар бўй чўзар марзама-марза...

Наҳотки, фикрлар тахминдур, Даду¹⁷,
Наҳот, бефойладир билиш дунёсин?!
Инкор этар барчасин рўёдир, Даду,
Ёлғон дунёларин ёлғон қилмишин...

Яна кўрдим бунда ажиб фасона:
Сулаймон давридир девлар манзили,
Ётадир ястаниб Филон афсона,
Нақадар фусункор бу Диёр васли.

¹⁷ Даду Дайал – XVI аср ҳинд шоирларидан бири.

Нетгум, мунда мени не чорлар асли,
Үзига тортмишдир оҳанрабоси?!
Олиб кетманг тоғу сангпоралардан,
Ва, изламанг ҳеч вақт бесар ерлардан...

Қочқиндир Муқанна урди шабпарак –
Күхсөр кўксига санчди кўзгусин.
Шундан бери гўё саҳтдир ҳисорак,
Шундан бери сайҳон рўё масокин...

Ана нарироқда Чунгирак мустар...

16.04.2016 й.

ЛУҒАТЛАРДАН ҚОЛФОН СҮЗЛАР...

Боболардан қадим қолғон,
Фикр теран, тил-да бийрон.
Күнгил доғли-доғли ҳайрон,
Қадим Туран Сүзи қолғон.

Үтиб кетди барча дүстлар,
Кийим-яроғ, чопон жулдур.
Бари забун, бари нолон,
Охир, вайрон кошоналар...

Қатрон бўлди қадимият,
Куйиб битди луғатлар-да,
Үтди йиллар яна имдод,
Қолғон сўзлар кўнгилларда...

Бу йўлларда чора излаб,
Бўлди ғамкаш асл ғаммоз.
Жулдур кийса элин ўйлаб,
Сатинлардан кечдилар воз...

Ўз сўзим деб ёндила боз:
Луғатларда тортириб саф.
Эл-элатни турғизиб соз,
Сўз айтганни қадрлаб зап...

Бундай элни кўрмадик ҳеч,
Сўз учун жонин улашфон.
Душманларин қилиб зич-зич,
Юрагини қилиб қалқон...

Луғатлардан қолғон сүзлар,
Юракларга ботғон сүзлар.
Чин дардимиз айтсак гоҳо,
Қош чимирап нозанинлар...

Бизлардан ҳам азизми, – деб
Луғатлардан қолғон сүзлар?!
Бўлди қатрон чархи фалак,
Маҳзун сүзлар қилди имдод...

Эзгу ишлар қиласар оҳанг,
Кўкдан келди қатразан бод.
Кўнгиллар-да камалак ранг,
Рангин сүзлар бўлар обод...

Имдодингни айт Туркистон,
Борми сўзинг ёд Сўзистон?
Сўздан қайтма боз Туркистон!
Тарк этмангиз, ай Таркистон....

Навоийнинг сўзлари – бу,
Маънолари оламча бор!
Сўз қатида ботиндир у,
Оlam жаҳон пайваставор...

9.10.2015 й.

БОЛАЛИК САТРЛАРИ

Күклам чоғи хаёлот-да ўрлашар,
Дунёсинда ким яхши-ю ким ёмон?
Майин эсган шамоли-да дийдалар,
Бўз Ўғлондир эзгуликка чоғланар.

Ҳайҳот! Гоҳо томчи ичра акс олам,
Наҳот, одам жаҳон ичра сифмажак?!
Бир ғубордир киприкка қўнгай, алам,
Не чоғ энди қўнгил қуши куйлажак?!

Жовид умр узра менгзаш капалак,
Зўрлар келар зўрларидан яхшироқ.
Бахшиларим дўмбираси-да ҳалак,
Алёрлари тугамайдир, тумтароқ.

Бўғот ичра сассизланар бир шарпа,
Мурғак дилда ниш уради сукунат,
Танҳоликда ёлғиз қўнгил ғам ичра,
Учқур отнинг қанотидай хаёлот...

Чархпалак сокин-сокин айланар,
Гул баргида томчи-томчи сув равон.
Ҳув фалакка осиғлиқдир маржонлар,
Тақдирларни туташтирас то ҳамон...

Шу зайлда оқиб борадир кунлар,
Наҳот, бизни маҳв этолмас бу туғён?!

1976 - 1994 й.й.

Кечмиш ичра балқир хотирот,
Қалб зирваси асари унда.
Ҳар хотир-да турли мавхумот,
Хотиралар мавхуми шунда.
Қай бирида муҳаббат доғи,
Эслолмассан қайсиdir рүё?
Ҳар доғида яшар ардоғи,
Қалб адoғи күринар гүё...
Кеч англадик хаёл саволин,
Энди билдик хаёл содирот.
Үтиб кетди қанча аввалин,
Юрак-бағрин эзмайин, наҳот?!
Қандай ажиб күринар олам,
Ўз домига тортадир, билло.
Наҳот, билдик фароғат алам,
Киши билмас ситамдир, тилло?!

16.06.2016 й.

* * *

Мен яшадим тонгта интилиб,
Саҳаргоҳни шовури ила.
Ёруғликка мудом талпиниб,
Рұх ичра томчилаш они-ла...

Тонг отмоқда тонг ёшим менинг,
Зулмат пардалари чекинди гүё...
Шарпалар чувринди ёлғизоёқдек,
Пол қолар гүё, тонг қошида...

Сукутдан отилди номаълум шарпа,
Номаълум томонга етаклар зайли.
Қай гүрга қолдийкин күхна ойнача,
Ичида балқиган күз нурим мени?

Тонгимсан! Хотирам пучмоғи,
Сен менинг азалий туғёним.
Күнгил сукунатим гулдоғи,
Лаҳза этагида нақш оқзардим...

21.06.2016 й.

* * *

Үксинма! Үтар умр,
Тоқатлар тугаб борар.
Сени эсламас ҳеч ким,
Ишон, ундан бошқаси...

Қачон келар ҳур күнлар,
Бас, пушаймон бўлмасак.
Ҳазинсан сен бунчалар,
Тугаб борар бардошинг...

Ёниб борар юрагинг,
Тез, сўнгти маъво томон.
Чора истамас кўнглинг,
Забт совиган ҳаётдан...

Кетиб-кетиб ёронлар,
Ўзинг қолгансан танҳо.
Айт, кетмоқми муродинг?
Наҳот, дардинг бедаво...

• • •

Қоронғұ кечада учар бир юлдуз,
Зор құнгил садафин құпаргай у сүз.
Ул юлдуз қароғим гавҳари гүё,
Құнгилнинг таянчи, сұянчидир ё...
Даврлар, давронлар үтар дақиқлар,
Зулумот ҳариди охир синиқар.
Хуршиллар сұнмагай, нур бўлиб порлар,
Ҳақ сүзин айтганлар Ҳаққа етгайлар.
Бул хуршид құнглимга отилган ўқдир,
Қоронғұ кулбамни ёритган Сүздир.
Беқадр кечада қадрдай топиб,
Құнгил меҳробини ёритган Улдир...

8.03.2016 й.

* * *

Ишонманг сиз менга, борлигим гумон,
Асрлар қаъридан гарддай отилдим.
Ҳеч кимга инонманг – бари бадгумон,
Ноаён манзилга етаклар машъум.
Кўксимга уринди забунгир хаёл,
Дардан оғирлади кўнгил беадоқ.
Файб ҳавоси-да, афсундай дарёл,
Дарёйи ғайбнинг овози йифлоқ.
Кўз тикдим йироққа, бурдим юзимни,
Захрнок тишларин кўрмайин, илло.
Шунчалар топиндим халқим баҳтини,
Қанчалар уринмай зарб едим, билло...

16.06.2016 й.

* * *

Минг йиллик тунимнинг отишин кутдим,
Менинг юрак-бағрим доғлади бесар.
Севинчхона күнгил қонмас андуҳим,
Сенинг қўзларингда вафо сирқирар.

Ишқ йўлин адоди кўринмас, наҳот,
Тунги боғларингда тентирар руҳим.
Сенинг жамолингдан топдим, муножот,
Топинар ишқ тожин тақиб бу кўнглим.

Не бок бу тунларда сарсон ёронгул,
Бесарҳад атиргул – умид япроғим.
Аламзор комида яшайдир висол,
Сен кўнглим меҳвари, ёруғ жаҳоним.

Энг ёрқин гулларим сенингдир, нетонг,
Лаҳзалар қошида тораяди тонг.
Вақт маҳкум этар сиримиз, бешак,
Туннинг кетишидан оқ соchlар дарак.

Бешафқат ожунки, қистар хирожин,
Ихроj истар, наҳот кўнгилдир божи?!
Мавж урар ботинда бори шундайин,
Тўлайди ишқ билан, ахири хунни...

18.06.2016 й.

СЕНИНГ ҲУЗУРИНГ

Ёлғизлик даштида чекиб ситамлар,
Сенинг ҳузурингга истагим қайтиш.
Истадим бедөф ишқ дамларин сарсар,
Салсабил сувларин зиёрат қилиш...

Күхи Қоф тоғларин қилиб зиёрат,
Турналар қайтмишлар севги уйига.
Үйларим тубига етолмай сармаст,
Турналар севгисин тұяман нега?..

Наҳот, табиатнинг буюк инъоми –
Турналар бахти деб турибди бунда?!
Одамзот қидирар иқболин күқдан,
Ер қолиб, турнадай асрий тоғлардан....

10.07.2016 й.

• • •

Тинч қүй мени, эй сарин шамол,
Шеър ёзмоққа мен-да беймкон.
Юрагимда қайғулар помол,
Үз ҳолима қўймайди имкон.

Пойбандиман кўнгил меҳроби,
Дилмурдадай заъфарон руҳим.
Шамол-шамол недир чораси,
Ишқ нобимиз синиқ косаси...

Чора истаб сарсон оламда,
Қайғуларни кечар кеча-да...
Ишқ деб келди чорасизлар-да,
Эрта туйган ишқ насимин-да...

27.06.2016 й.

Аносир сирлари очилган чоғда,
Забонин ютадир анодиллар-да.
На пойдор қолгайдыр, на бир нишона,
Гулшанлар бүй чүзмас ғунчасиз боғда...

Ёт унсур дедилар, ётланиб қолдым,
Руҳимни қайирди ғайюр саволлар.
Күхна ҳамиятдан тузалмас ярам,
Шаңним кечасида бу руҳим кезар...

Жисмим хок бұлару бир лаңза руҳим
Күмгайдыр зардимни битта-битталаб.
Басе бу ерларда дүнмас ғуборим,
Шамоллар очмагай гардим хезланиб...

4.05.2016 й.

* * *

Аламлар ютадир қизгина,
Келмади бұз ёри биргина.
Фамларга ботади бу оқшом,
Шомларни ичадир бугина.

Сүzlари күп эди, бұзлади,
Демади бир оғиз сүзгина.
Ёлғонму дунёсин дегани,
Аҳдини буздими дұст-ёри?!

Күзёши жүшади Жайхұндай,
Күнглига сиғмади жоласи.
Сапчийди юраги Сайхұндай,
Аламсиз қолди-ку ноласи.

Куйинма ұтса-да аламлар,
Күзёшинг тұксалар санамлар,
Бир куни келадир Туронлар,
Пойингга тұкарлар борини...

Қайғурма рұмолли қизгина,
Шу аччиқ хаёлдан кечмагил.
Бұлмассан пушаймон сұнгина,
Сұнмагай орзуйинг ҳечгина...

2.05.2016 й.

• • •
Бир туш каби ўтмоқда умрим,
Англолмайин дунёсин, полман.
На қувонч бор, на қайғу алам,
Бир ҳовуч күл қолмоқда мендан.

Кимларгадир беролмай меҳр,
Дақиқалар измида күнгил.
Юракларни кемираң даҳр –
Бўлмасмикан кўнглимиз зойил?!

Кетмиш оғир дунёларидан,
Тирик қолмоқ ундан-да оғир.
Сафар – яроғ, ахир бир тугун,
Хаёт ўлим, жумбоқдир сафир...

3.05.2016 й.

Нече йилки, аңдуҳим ошар,
Юрак-бағрим қиласыр паррон.
Бардошларим ниҳон гул очар,
Синоатин билмайман ҳамон.
Наҳот шундай кечар барчаси,
Қамраб олар ғамнинг сояси.
Йўқ омонлик, қутулмоқ мушкул,
Кунфаякун қиласыр ликулл¹⁸.
Заифликда ўтар кунларим,
Күхулатда¹⁹ қартаяр борим.
Кўҳансолман²⁰ кўҳна дараҳтдай,
Омонатман гўё нафасдай.
Орзуларга берилдим эрта,
Англадим кеч, руҳимдир хаста.
Елиб борар умр шамоли,
Бўронларнинг бўлиб мажоли.
Вужудимни қиймалаб ўтар,
Руҳ торларин битталаб чертар.
Бошим узра оқаради соч,
Сезиб турар юрагим оғоч.
Юрагимда томчилар зардоб,
Оғриқ юрак бўлади хуноб.
Сокин дайро сукутдан толар,
Юрагимда қолдириб доғлар.
Чайқалади ғамларга жўшиб,
Қилмас ошкор дардларим шошиб.
Қўқда булат сузади сирли,
Тизилади оққуш мисоли.

¹⁸ Ликулл – ҳар бир нарсада маъносига.

¹⁹ Күхулат – ўрта ёш; навқиронлик маъносига.

²⁰ Кўҳансол – қари, қартайган маъносига.

Худди түшдай юрак ҳансирар,
Ҳансирарда бүргадай қочар.
Мангу чопар, мангулик томон,
Гүё аҳди қатыйидир шу он,
У құрқмайди қаро ердан ҳам,
Каззоб, манфур, шайтанатдан ҳам.
Күксим очдим басе Худога,
Қилич тутдим Азозилларга.
Бори сароб, боридир ёлғон,
Юрагимки севинчсиз бедоғ...

8.04.2016 й.

* * *

Мен учун чекма ғам, энди кеч,
Бу кеч энди нақадар ғамнок.
Наҳот, қайтмас дамларим ҳеч,
Ҳукм қилдим ўзимни намнок...

Оқмасин кўзлардан ёш ҳамона,
Токи устухон узра тириктан.
То ҳамон танимизда зарра мадора –
Бўлайлик бир умр равона...

Худнамолик ботғонин этиб тарк,
Ўзлик аъмолин топайлик бир бор.
Биздан қолса қолар зифирча меҳр,
Кўнгилда қолмасин лек зарра ғубор...

4.07.2015 й.

* * *

Хорғин-хорғин қарайсан ногоҳ,
олислардан олис уфққа.
Кечмишингда қолган баногоҳ,
ғамгин доғлар менгзаш фироққа.

Йироқ тоғлар бағрида кутар –
ҳамдард бұлған қызғин полалар.
Сен сиқтама! Келар иқболлар,
остонангни ўпар ишқбозлар...

Лекин күнглинг топмайди таскин,
қарошингда қотган доғлар бор.
Истасангда муҳаббатим сен,
ўртамиизда ҳижрон тоғлар бор.

Кечир мени, бесүз паришон,
рухим асир тоғлар бағрида.
Сен-ла ўтган сукутим нишон,
асрий тоғлар ғам бардошида...

4.03.2016 й.

Сабр-тоқат шоирга нишон,
Күкси тұла бардошу ишонч.
Уни кутмас серзавқдир даврон,
Шавқ ичинда ашъори суянч.

Нима қылсын, шундайин аъмол –
Манглайида битилган минг бор.
Қайға қочсын, бундай bemажол –
Вужуд уни олган bemадор....

Шуни дея... құз очди меҳр,
Хаста руҳи шеър деб талпинар.
Куну тунлар ибодати шеър,
Ёлғиз дамлар ҳимояти шеър...

4.07.2015 й.

* * *

Гунг бир хаёлотнинг қатида қотган,
тиғ қадар заминнинг кўксини ўйган,
бизнинг хокистар-хокистар сўзлар
қайдасиз, қайласиз, қайдасиз энди?
Наҳот йўлларимиз айри-айридир?
сизсиз биз нетамиз, яшамоқ нечун?
Бетайин йўлларнинг курсофин ўйиб,
қаққайган қоялар бағрини тилиб,
гунгқарғалар кесар йўлларимиз нечун?
Нечун йўқ кўзларда ҳузн, увол сўз,
нечун садоқат сўзламас, бўзламас,
иймон қайда, қайдадир бўзлаган сатр...
Туш елкамдан, эй, асрлар соя соглан кўланка,
бўзлаган, топталган руҳимни қайтар...

“Мен”ни таъқиб қиласар изсиз шарпалар,
...шунослар шахрига тушиб қолди-ку.

Ҳолини забунлар қилди мальунлар,
бир дудуқ шифирчи булиб дүнди у.

Юк оғир, манзил-да беомон йироқ,
омонлар истайди, чора бетайин.
Хотирлар хатарли, машқлари ёвук,
сомонлик²¹ кутмас у, аҳволи тайин.

Күнглини кемирар қора гумонлар,
оппоқ қофоз узра түкилар доғлар.
Наҳот, шундай кечар шоир кечмиши,
наҳот шундай қолур бечора шоир?!

Не куйга тушди у, күнглидир сиёҳ,
сиёҳ кечмиши-ла сиёхдир күнгли.
Ёзолмай күнглини офтоби сүнди,
ахири, тун қора чодирин ёйди...

13.05.2016 й.

²¹ Сомонлик – имконият; илож маъносида.

САҒАНА

Нурланар, турланар сирли сағана,
Сирру асрор махзанига поғона.
Не-не азиз кабирларим баҳона,
Саждагоҳга айланди бу ғамхона.

Тұлмаган аввалу охир тоабад,
Зим-зиё қаърингда тұлар паймона.
Гар, тубсиз қаърида жо бутун тарих,
То ҳамон, алқазар, чорлар мәҳмона.

* * *

Ҳақиқат нимадир, балки, у хасдир,
Шу хасдир ҳақиқат, ҳақиқат шу хас.
Рұхимнинг исёни хасда намоён,
Қалбимнинг туфёни хасдандир-хасдан.

Хаста қалбим хасдан топгандир мурод,
Истагим шу хаслар бүлмасин завол.
Магар сен шу хасни қилмасанг эъзоз,
Бир кун сен шу хасга бүлурсан муҳтож...

* * *

Фамнок тұnlаримни ўтказдым бехуд,
ахири, беусул машқимни битдим.
Не қилай, бу түйғу жүшмас тоабад,
наҳотки, маҳқумдир шеър ичра оним?!

Фарид гүшаларда сарғайди хаёл,
шу хаёл измида яшайди күнглим.
Совуқ салтанатнинг оқлари дарёл,
қатрон күнгил сари отилар рұхим...

* * *

Йиғлагин, азизим йиғлагин,
Топарсан у ерда қиймати...
Боингни хам қилиб инграгин,
Күрмасин жоҳиллар боингни.

Унутма соҳибдил бор ҳали,
Руҳларда чарчоқлар ёд ҳали.
Ёшларинг беҳуда тўкмагил,
Унутма дард аҳли бор ҳали...

* * *

Чексиз самоларга кўз тиксам ҳар он,
Яна қайта номинг дилимда шоён...
Моҳим, биз кузатган ёвқур турналар –
Энди, биз томонга боқишимас бир он.

Ва, келмас агадул-абад биз сари,
Қайтгуси баҳорлар, қайтмас муҳаббат.
Изимиз яшириб гуллар сараси –
Сўқмоқларда сайқал топажак, албат...

ИШҚ ФАСЛИ

Ишқ фаслида күнглимга мадад,
Тилар мудом гуллаган боғлар.
Умид гули яшнагай, шояд –
Васл йўли очилган чоғлар...

Мужда кутар озурда күнглим,
Күнглим эмас, руҳ очган кўзлар.
Ишқ ёмғири ёғар самодан.
Томчилари – ҳаётбахш сўзлар...

* * *

Хушим йўқ дунёвий қийлу қолларга,
не десангиз дейинг, күнгил оламим.
Эй, күнгил тубида ётган дуржола,
шаклу шамойилмас сен менинг борим...

Маънили сўзларки ночорга малҳам,
кишининг ўзида ҳар неки чора.
Буюк ёлғонлар ҳам сўзда мужассам,
боқинг аввал-охир сўзчи ҳолига...

* * *

Күнгил ичра жүровоз садо –
Шиғалайди ёмғир унидек...
Күнглим ичра беором наво,
Үйғонади күнгил Фиротдек!

Турфа саслар ҳайқириғида,
Файюр күнгил охиста тинар...
Жанғоҳлардан қайтган отлардек,
Илҳомларга жиловин тутар...

* * *

Күнгил ненидиr излар –
Бағрида бир қүш мұстар.
Ҳасратларин гиз-гизлар
Минг бир ғам хайлип йиғнар...

Сирли сукут – наққош,
Дарду алам ҳамоҳанг.
Бесабр ишқ мұнаққаш,
Камалакдай ранг-баранг...

КУЗ

Куз... қалбим меҳробин буз...
Айлади ҳижрон бунчалар туз.
Үй-хаёлим яккаш айлаган –
Қалбдаги куз япроғин уз...

Куз... сабр япроғи сарғармиш –
Айтилмаган сұзларим каби тез.
Ҳижрон зуғум айлади бунча кеч,
Күнгилда қолмади ишқдан үзга ҳеч...

* * *

Тун сирлари аён-ноаён,
Тангри учун кундек намоён.
Шунда ҳамки, гоҳи-гоҳида
Шотирларин йұллар ногаҳон...

Замин узра айланар фалак,
Тун қўйнида сайр этар малак.
Дил либосин ўқийди ҳалак,
Соҳибига етказар дарак...

* * *

Ўша кундир, бўзлаган қуним...
Ҳамдардлик-ла ёнар сатрлар.
Сукут ичра сўзлар дилсўзим,
Турибман мен, сўнгги издиҳом...

Ҳамдардлик-ла ёнар сатрлар,
Кўнгил или сатрлар човук –
Тозартирас руҳим атторлар,
Шундан хаёл, ғам чекиш куни...

* * *

Үтадир суронли күнлар ҳам,
Оғриқли дамлар-да етадир.
Ётади хазондек, хўп сўлим –
Кўнгилнинг қатида бир армон...

Шунда у кўнгилни англаюр,
Бошин-да, кундага қилиб хеш,
Чиқадир йўлларга интизор –
Кўлинда фунчалар бўлиб эш...

* * *

Жоизки, ёзамиз юз фоиз,
Гарчи кўнгилда йўқ сўз жоиз.
Сўзларни чирқиратиб мудом –
Сўзлаймиз жоиз, ножоиз...

Сўзлардир товланур хилма-хил,
Зиммада олоиш мажбурият.
Зоҳиру ботин-да, турфа хил,
Якранглик ато эт, мўъжизот...

* * *

Кел, кўксимга босайин қардош,
Сукунатдир ўксинди дилим.
Оҳ, йиллар-да, бўлмасак сирдош,
Қондошлардай турайлик бир зум...

Бир бор ўзни алдайлик жоним,
Хатокордир бордирки, инсон.
Не қилайн, туғилдикми жим,
Жим кетармиз, наҳотки ҳамон?!

29.04.2016 й.

* * *

Ташқарыда изиллар шамол,
Ичкарида жимлашар күнгил.
Ёвлышади руҳим-да, Дажжол!
Қайғурадир қаҳр-ла күнгил...

Қандай сокин, бу маҳзун гүша,
Ботин ичра пайаста гулым.
Үтганимидир биздан үшанда,
Ой бўзарган олтин дамларим?!

29.04.2016 й.

* * *

Кўкларга сузадир сипора,
Озодлик аҳдидан қайтмайин.
Биз эса ётурмиз қафасда,
Ўз аҳдин омонат билмайин!

Шундайин қисматки ҳамроэдир,
Занжирлар узилмас баркамол...
Узилмас шаклмиз – синур ботинлар,
Ҳайҳот, таъқиб қилас бундайин аъмол...

5.10.2015 й.

ЧҮПОН

Сурувларин гар мудом бедор,
Сақтай олмас қашқирдан ғаддор.
Чүпон учун талон, қотиллик,
Табиатан олий одиллик.
Гар адоват гулханин ёқар,
Жонзотларин шу асно боқар.

* * *

Асрлардан келади нидо –
Бизни чорланг: этмангиз матруд,
Бир сасларки, күнгилга шифо,
Ихрож күнгил бўлади мардуд...
Шайтон лайн бўлгандек қувфин –
Она халқум қилмангиз ихрож...

* * *

Мени хорлик қилмади адо,
Нигоҳингда бўлдим мен хоро...
Неча манзил, неча юрт кезиб,
Ҳеч топмадим манзили маъво –
Фақат топдим сару сомонлик
Ва бедорлик ёки бир наво...

* * *

Үтар бу умри жовид ҳам,
Сизу биздан асар қолмас.
Меҳрни канда қылсақ ҳам,
Хатомиз күп, билиб бўлмас.

Кетарда сўнгти манзиллар,
Кўриб кўрмас кўзимиздир.

* * *

Ҳасратлари кўпdir дунёни,
айтаверса туганмас поён.
Айтгил, нечун севмадинг мени,
ҳасрат тўла қалбим бепоён.

Яшайвериб тугар бу бардош,
етар сенга бир кун фифоним.
Лекин, афсус бўлолмам сирдош,
ўртамиизда йиллар фирғим..

КАШ

Достон

*Дедилар: Кишвари дуур дилкаш,
Оти ҳам Шаҳрисабз эрүр ҳам Каш.*

Алишер Навоий

Боболардан мерос қолган кўхна Каш,
Минорида сирли-сирли ёзувлар...
Неча йиллар ботин ичра кашо-каш,
Қад кўтарган доғли-доғли ёзувлар...

Каши ичра қанча-қанча улуғни
Ардоқлаган қадим-одим кишвардир.
Минг йилларки, туркий улус шаънини
Авайлаб-асраган кўхна меҳвардир.

Гар доғланса кўнгил, истаса ғамкаш,
Тўфондек урилар кўнгил узра Каш –
Руҳимда уйғонур қадим Туркистон,
Шунда жўшар кўнгил, ёзувлар дардкаш.

Ёзувлар,
ёзувлар,
сирли ёзувлар...
Бу сўз ботинимга таниш аҳзондек.
Ботали бағримга асрий битиклар,
Каш ичра ёзувлар сирли сукутдек...

* * *

“...Айлабон ушбу боғу қасрда сур,
Шаҳрисабз элин айлабон масрур...”

Каш – бу, ичкари ғамхона шаҳр,
Манзиллар ичинда ғаройиб сокин.
Ёғинлар ичрадир шаршара шаҳр,
Бу шундай масокин²², ғуссага тўлин.

Гўё бунда осмон ўйиқдир, гўё...
Ёмғирлар қуяди чепак-чепаклаб.
Гўё бунда ёрқиндир, арзу само,
Кенгаяр ботини, осмон чирсиллаб.

Фасллари – гўё шамшод келинчак,
Ястаниб ётадир, нақшин-нақшин боғ.
Томчи-томчи ёмғир, шода-шодадек –
Тизилар, минорлар узра заррин доғ...

Сувлари салсабил, чашмадек надим,
Қониб ичсам гўё куяр дилсўзим.
Ғам-ғуссага тўлар, селдек ним бағрим,
Рұҳият нузули туташтири сўзим!

Мақбаралар узра сирли ёзувлар,
Минг йиллар асрайди илоҳий сирни.
Мунаққаш ёзувлар ичра сукутлар,
Кўнглимга қўяди самовий сурни...

Ёзувлар,
ёзувлар,
сирли ёзувлар...
Бу сўз ботинимга таниш аҳзондек.
Ботади бағримга асрий битиклар,
Каш ичра ёзувлар сирли сукутдек...

²² Масокин – мискин, чорасиз; маскан, жой, манзил маъносида.

Бордир-ку бизга ҳам, ахири, бир йўл,
Кўрсатар ёзувлар, сўнгти йўлларни!
Мунаққаш ёзувлар, минорлар жадул,
Кўнгилга қолдирур, асрий доғларни.

Баъзан,
мулзам қиласар бизни ёзувлар,
Баъзан,
адаштирас, тўғри йўллардан.

Бир ёзув,
кўнгилга қулфдир, гўё...
Бир ёзув,
ёзади кўнгил чодирин.

Лекин, армон эрур, кўхна ёзувларим,
Қатида минг-минглаб маънолар ниҳон.
Эски Кашларим, қонли ёшларим,
Сен менинг жон қадар адоларимсан.

* * *

“...Шаҳрисабз үлди бизга чун мулкат,
Йўқ ажаб гар яшил дурур кисват...”

Қадамжолар бисёр, манзил-да қадим,
Чор атрофи тоғлар – андуҳли боғлар.
Кешилар гар кўнглин қилса-да ним-ним,
Сайидлар руҳи бор, омоний топар.

Тоғлари бодомзор, мудом зумуррад,
Боғлари чаманзор – сукунугта мўл.
Фаройиб гуллари бордир беадад,
Булбулу зоғлари сукунатга қул.

Анвойи гуллардир ана нарида,
Турибдилар бўзлаб бир панада.
Гул тўла достону бўстондир, ана,
Кўнгилга бир олам сир етар яна...

Шу боис шаҳри Каш “Қуббат ул-илм...”,
Тарихда ном олган шундайин ботин.
Бундадир, ботиний сукунат ҳоким,
Сирли сукунатдан англайин зотин.

Жаддуabolарнинг табаррук сўзи,
Жадул-жадул ёзувида намоён.
Хаёл ичра рангинланар ўз-ўзи,
Йўлга чиқар тасаввурлар қўйиб сон...

Олиabolарга²³ мўътабар юртми,
Ҳазрати Султоним бундадир тузук,
Шаҳиди карбало сўнгти манзили,
Сайиидий Ҳусайний боши Ёрам Кўк!

“Сайиидон”... қубурлар ичинда ноёб,
Бунда ётур бобом ғамларга ботиб,
Салосил тизгинин маҳкам қучоқлаб,
То маҳшар ётадир, битикка дуниб...

Қадим минорларим қоядек ўқтам,
Кўхна чинорларим бўй чўзар қониб.
Лек, менинг юрагимда соядек ғам –
Кунма-кун бўзарар кўкка ўрлашиб.

²³ Оли або – беш киши, яъни сўнгти мурсал оила аъзолари – Пайғамбар (с.а.в.), Фотима, Ҳазрат Али, Имом Ҳасайн -Ҳусайн.

Гар доғлансам, ахир, қайга дүнайин,
Сендан-да, бұлакми хоки туробим?
Аждодларим токи, бунда-да сокин,
Шундадир руҳимнинг ёзуви қойим.

Ёзувлар,
ёзувлар,
күхна ёзувлар...
Бу сүз ботинимга таниш аҳзондек.
Ботади бағримга асрий битиклар,
Каш ичра ёзувлар сирли сукутдек...

* * *

Қадим кишвар шаҳри Кашнинг измида,
Не-не авлиёлар ёрон қатида...
Сўнгти мусҳаф илк табаррук ёзуви,
Маскун бўлиб қолган асрлар бунда.

Сўнгти мурсал – чоксиз хирқа қадоғи,
Вайс ул-Қаран удумила етгандир.
Кўҳна Лангар қурунлардир²⁴ адоги,
Лангар Ота мудом унга паноҳдир...

Ёзувлар,
ёзувлар,
жадул ёзувлар...
Бу сүз ботинимга таниш аҳзондек.
Ботади бағримга асрий битиклар,
Каш ичра ёзувлар сирли сукутдек...

* * *

Каш – мезон,
каш – меъёр.

²⁴ Курун – аср, давр; вакт; жом; зулф маъносида.

Адолат тоши ларzon,
ҳаё пардаси меъмор.

Каш – мувозанат,
каш – лангар.

Чирой нақди латофат,
кўнгил муроди раҳгар.

Каш – кеш, каш – одат.
Яхши хулқ кўнгилга эш,
ёмони қолдиқ иллат.

Каш – йўл, каш – ботин.
Ўзликка пайванд кўнгил,
ботинда ўсар йўсин.

Каш – хулқ, каш – эврилиш.
Каш худнамоликка ўқ,
топар бундан руҳинг эш.

Каш – қадрият, каш – мақсад.
Қадрни қадрига ет,
кўнгил манзили аҳад.

Каш – миллат, каш – шеърият.
Имон-ку хўб саодат,
лек жўштирас раият.

Каш – тавр, каш – рости-ю русти.
Ботин англамас, жавр,
ҳақ сир, адолат рости.

Каш – мазҳар, каш – күнгил.
Дарж гүзал күринишилар,
бекуборлик тозадил.

Каш – жадул, каш – күхна ёзув.
Минорлар узра пайваст ул,
ёзувлар сирли чизув...

* * *

“...Токи бўлди падид хиттаи Каш,
Туфроғи ранги чархи ахзарваш...”

Халқ чўбони Таймур руҳидир, ёрон,
Унинг-да, навқирон ёшлиги Кашда.
Шу боис манзилат бордир навқирон,
Тоабад яшиллик тарк этмас, эш-да.

Ботинда хазонлар, рангин хаёллар,
Ҳокимдир, руҳимга боди хазонлар.
Кўнгилга бир боқинг водил одамлар,
Юракда жўш урап, сокин адолар...

Туш кўрдим. Кўк гумбаз остида аzon –
Юрибман, нотаниш кимсалар аҳзон.
Бир майин тупроқни кўксимга босиб,
Хўрсиндим, ўксиди кўнгил лим дўниб.

Қандайин эътимод, қандайин шаън бу
Кўзимда томчи йўқ, қотган жоладир?!
Ташимда совуқлик фармонбардордир,
Ичкари руҳимдек, байт ул-аҳзондир.

Бунда-да мадфунлар²⁵, нодир бир күнгил.
Бунда ҳар бир нарса күнгилга пайванд.
Барча күринишлар күнгилдир, күнгил,
Қанча уринишлар күнгилдир, күнгил...

Каш бу күхна макон, қадим бир манзил,
Тупроқта беланиб ётур бегумон...
Ахир, бир сиқимдир, охири күнгил,
Шу тупроқ Кашимиз, пайваста дарбон...

Ёзувлар,
ёзувлар,
күхна ёзувлар...
Бу сүз ботинимга таниш аҳзондек.
Ботади бағримга асрий битиклар,
Каш ичра ёзувлар сирли сукутдек...

* * *

“... Сурубон Шахрисабз жониби кет,
Турмайин йўлда ул диёрға ет...”

Чун күнгил қуши бўлиб кўп ҳавасманд,
Қадим Каш сари қилди хўп азимат.
Ажиб бир таврлар ичинда давр,
Каш обод бўлганмиш дониш-сарватманд...

Хаёлан мозийга қиласман сайр,
Рұҳимни етаклар бир овоз, ғамгин.
Күхна Каш ичинда азим Оқсарой,
Олис-олислардан кўринар яқин.

²⁵ Мадфун – кўмилган, дафн қилинган; дафина, ҳази маъносида.

Не-не ализларим назари мисол,
Бу азим минорим неларга шоҳид?!
Минорнинг остида боғ ичра бир чол,
Соқолин тутамлаб ғамгин турибди...
Сўраймен: эй бобо, ғамгинсиз нечоғ:
Минорлар ўтару адoғлаб қурун.
Ёзувлар вакт ичра қолурму қадоғ,
Кўнгилни доғлатиб, бўлурму ўрун?
Дерлар: қўлёзмалар ўтда куймайди,
Кўнгилдан-кўнгилга ўтар оловдай...
Кўнгилсиз ёзувлар санглох мисоли,
Кўнгилсиз ёзувлар қолмас абадий...

Ёзувлар, ёзувлар,
кўхна ёзувлар...
Бу сўз ботинимга таниш аҳzonдек.
Ботади бағримга асрий битиклар,
Каш ичра ёзувлар сирли сукутдек...

19.10.2014 й.

БОЗГАШТ

Достон

Бозгашт²⁶ айлади чу хаста күнгүл,
Неки истар, топар шикаста күнгүл.

Алишер Навоий

Қүёш булут ортида сокин,
Ботин нурин яширап гүё.
Фамзададир абри масокин²⁷,
Зор ашкини томизар борҳо²⁸...

Нечун күнгил сассизланадир,
Наҳот, сирқир сиёҳ томчиси?!
Фам ёмфири гинадор, надир,
Билмас тиним очун элчиси...

Намозшом гул сукунатдадир,
Япроқ узра дўнар қатралар.
Маҳзунланар, ногоҳ бўзарар,
Андуҳланган мунгзада диллар...

* * *

Мағрибона руҳий илинжлар,
Фаройиб кўрк – аср девори.
Бўрқиб тураг фаройиботлар,
Бари рангин зуҳур анвори.

²⁶ Бозгашт – қайтиш, дўниш маъносига.

²⁷ Масокин – сукунат вақти; манзил маъносига.

²⁸ Борҳо – марталар, дафъалар маъносига.

Янги аср – фусункор маъдан,
Машриқ-Мағриб чайқалур доғли.
Ўзишадир бир-бир темиртан,
Афсун мuloқот – мужда чоғли...

Ҳис этурмиз токи, Шомгача,
Чиқади тер, манглайдир Нахшон.
Рангин хаёлот товланар сўзгача,
Рангизидир сўзларим, бенишон!..

Санчилар кўз ичра жолалар,
Ёғанда ёмғирлар, болалар,
Маркеслар²⁹ қилганда нолалар,
Андуҳсиз Макондо балолар...

“Маконда” шундайин изтироб,
Юракни нимталар Макондо.
Ўқийсан қўлёзма, тонг отиб,
Бош узра тошдайин болиш-да...

Ҳаёсиз Макондо жонсарак,
Кетгайдир қирилиб бир авлод.
Наҳотки, сирманган жон ҳалак,
Шундайин Макондо бедарак?!

Имонки, башар-чун зўр армон –
Арманийдирманки, беармон...
Ҳолбуки, борлиғим даргумон,
Бадгумон туйғулар хўп ёлғон?!

³⁰ Габриэль Гарсиа Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили” номли китобидаги айрим ахлоқий воқеаларга ишора маъносида.

* * *

Хаёл оғушида сузамиз беҳол,
Рұхларга санчилар игна мезонлар.
Бир мудҳиши тахайюл домида күнгил,
Шилвирап дараҳтлар, табиат күйлар:

Асотир сирлари равшан бегумон,
Қанчалар хурофот эркисизлик зайли.
Мустабид тузумлар, хунхора замон,
Үз шаънин қылмагай ҳимоят айни!

Нелигин билмасми мазаллат ичра
Машъум аымолларин асири минбаъд?!
Рұхлари маҳкумдир асрий “дуойбад”,
Моғор босган ерлар тубсиз залопат...

Эшитилар гүё рұхлар исёни...
Қабристон ичинда қадим-машварат.
Тириклик гардини совуриб, хоки,
Эссиз, гулхан ичра ёнган ҳамият...

Учар күнглими, наҳот, ҳаққушдек,
Мұхаббат жомидан гүё сархушдек.
Айланур бошимиз мисли чархпалак,
Ишқнинг гулханида ёнган Қақнусдек...

* * *

Тезкор давр – темиртан ичра аср,
Тушунксиз бир тилдир, гүё фасона –
Жимжимадор рамз, маънодор сўзлар,
Туарлар мунғайиб, наҳот азадор...

Хаёл оғушида сузамиз беҳол,
Рұхларга санчилар игна мезонлар.
Бир мудҳиш тахайюл домида күнгил,
Рангланар дараҳтлар, табиат сүйлар:

Нақшинкор манора, кошин саройлар,
Серқатнов темиртан, тирбанд йўл.
Шошилинч хабар, адօғсиз сўзлар,
Ахири, руҳингни толиқтирас бул...

Қаерда қўнолғанг, кимсан, нимасан?
Бир хил! Бир хил! Бир хил гумонсирашлар!
Сўрови қаттиқ – меҳмон, кутилмаган,
Руҳ – кошона ичра қолган қарашлар!

Наҳот, руҳиятнинг нузули сабр,
Ўтгувчилар руҳи қолур безовта?
Шундайин сўровга жавобдир қабр,
Тириклар руҳи ҳеч бўлмас безовта!

Ўртанирас кўнглинг, руҳдир парчинвор,
Наҳот, одамийлик мақоми хўп иш?
Андуҳ узра андуҳ қўшилар, ночор,
Шодлигинг гарови соппа-соғ зўр тиш!

Қавму қариндошлар елар, югурап,
Бегоналиқ ҳиссин қилишмас парво.
Ортда қолмишларга боқишимас бир бор,
Бургутлик мақомин қилмишлар даъво!

Мийиғда кулмишлар, тамасхурлашар³⁰ –
Шүхликнинг арзимас хатолари деб.
Қилиб қўйиб хирмон-хирмон ҳунарлар,
Бир бора кўнгилга олмишмас дўниб.

Наҳот, одамийлик мақоми бир пул,
Инсон ўз-ўзидан айридир, беҳол?
Яшайди ўз-ўзин ғижиб ва ҳўрлаб,
Инсоннинг аъмолин таъқиб қиласар пул...

* * *

Баъзан, алмойи-ажмойи элавраш
Воқеликдан узоқлатар қасдма-қасд.
Бистаринг ортида кўрасан бир туш,
Қадоқсиз сўзлар келар қатма-қат.

Қандайин матонат, қандайин бозгашт,
Отанинг ўрнига ўғил ўлтиргон?
Ямоқчининг тўни тулкиларга эт,
Бўкириб тантана курсисин олғон?

Наҳот, чин инсонлик фитрати дўнгон,
Ҳайҳот, “шиғирчи”лар замони келғон?
Нима бўлса бўлғон, кечмишда бўлғон,
Чин шоир надомат номини олғон.

Сўнгти сўровларга излаймиз жавоб,
Сукут – сўзлар узра дўнайлик хаёл.
Тўкилиш олдидан қилайлик савоб,
Ахир, келмоқда-ку номаи аъмол...

³⁰ Тамасхур – масхара, мазах, истеҳзо сингари маъноларда.

* * *

Азал тун яралди етим мұхаббат,
Мунаввар тонг узра заррин ҳалинчак.
Палахмон тошидек отилди тұхмат,
Ер-күкни қоплади зим-зиё, бешак.

Чүпон сурувлари қурбон таёғи,
Майсалар хаёли бўлиб тамоғи,
Қаерга дўнмангиз ёлғон аёғи,
Мудом ҳозирланар нафс маёғи...

* * *

Эй инсон, бормисан, борми бир сўзинг:
Ахир, нондай иссиқ, шундай арзанда –
Тафтимга босайин, нондек ҳар сўзинг.
Борми бирор сўзинг, ахир, зормон-да?!

Умрлар измида йўллардир сарсон,
Кичик ҳалқа йўли, йўл кичик ҳалқа.
Кичик йўл измида улуғ йўл ҳайрон,
Кипригим учинда ашк ҳалқа-ҳалқа.

Азизлар, сағ тортинг улуғ йўл қайда,
Руҳи йўқ сўзлардир, нурли сўз қайда?
Кўнгил ичра озорлар тикандек ётур,
Бошимни сангпора қиласайин ман-да.

Чоралар изла юр бечораларни,
Банди хаёлларим чораси қайда?
Йўл узра учраюр сангпоралари.
Чорасиз йўлларда бечораман-да.

Умр хазонидир занг поралари,
Кўнгилнинг тубида ғамхоралари.
Айлана-айлана дард поралари,
Айлана ичинда садпоралари...

* * *

Инсоннинг аъмоли кетма-кет дўнмас,
Қаққайган қоялар бунга шоҳиддир.
Минг йил нишонлари қояларда акс,
Бу рангин белгилар бир куни жўшар.

Инсоннинг баҳтига бу кун мурод-ку,
Инсонлик тахт узра у куни маҳр.
Аммо, қоялар-да эмасдир мангу,
Бир кун емирилар, бир куни сўнар.

Инсоний туйғулар мангудир мангу,
Азал гўзалликнинг тимсолидир шу...

* * *

Келиб-кетарингни билмай бир бора,
Ноаён манзилда сарсон-саргардон.
Қатлишон туғилдим, тўқис қайфу-ла,
Қатлиом ўлгумдир, булиб шодумон.

Фурсатлар измида итдек изғидим,
Фингшиб, гўшаларни тентиб дарбадар.
Топдимми ўзимни, эй шўрлик кўлкам?
“Буюк шаҳарларнинг қаҳри буюkdir...”

Домига тортадир совуқ қаҳқашон,
Воҳларинг етарми, додинг етарми?
Унинг шовурида қолиб кетар шон,
Сенинг оҳларингга ким ҳам етарди?

Сўзимга саҳролар онқадар эшdir,
Баҳорнинг қайтишин кутаман ҳорғин.
Саҳролар сўзимнинг абас руҳидир,
Зўр ғамлар соламан кўнглим-да изғин.

Ахири, бир етим бўтадай саҳрова
Йиқилиб-беланиб, қумларга ботаман.
Кутаман, мен оғир-оғир дамлар-да,
Интиқиб шаъннинг қайтишин кутаман...

* * *

Эй шафқатсиз дунё, тутмишинг надир,
Кўзларга кўриниб туришинг надир.
Мени чорлар бунда мубҳам туйғулар,
Не қиларим билмай қолмишим надир...

Ай шоир, шеър ёзиб кўп турма бунда,
Қара атрофингга! Оlam ўзгармиш,
Дўнишинг керакдир, балки узлатга,
Сенинг вазифанг-да тугал-чигалмиш.

Сенинг ёзмишларинг эртакнамомиш,
Дарахтлар тилинда куйла, шивирла!
Якма-як сўйлагин, бирма-бир қайтиш,
Бир боришга бир келиш бордир, ўйла!

* * *

Олис-олисларда қолган ёшлигим,
Нур ичра балқиган болалик оним.
Гүзал хаёл узра жолам ёшлигим,
Абад ташлаб кетган нолам ёшлигим.

Даричам-даричам – күнгил даричам,
Үзини билмаган бебош гүдаклик.
Бир оми умр ичра қолган бу рұхим,
Хеч не-не танимас маъсум болалик.

Она, сен буларнинг барига гувоҳ
Ва, менинг саркаш хаёлларимга.
Қадр ичра яшаб, күрмайин бир воҳ,
Билмайин-ку ўзлигим, ўз-ўзимча.

Лекин, менга күринур гүзал-гүзал,
Шамолга осиғлиқ лаҳзалар оний.
Бўронга таяниб яшадим маҳал,
Умрни совурдим, не бўлса ёрий?

Ботинга саёҳат – ўзликка қайтиш,
Майса барги узра дүнган шабнамдай.
Мунис чеҳраларни чунон соғиниш,
Олис қишлоқларга демакки, дўниш...

3.06.2015 й.

ТОМИР

Достон

Хотирот – дарахтзор, ўрмоним менинг,
Шивирлайдир унда зангор япроқлар...
Неки кечмиш, ўрмонимда қолмишдир...

Қайсинг Қулиев

Тупроқман – ер билан томирим туташ,
Сувман – аччиқ-аччиқ тўкаман кўзёш.

Шекспир

Февралнинг адоги – уйғониш чоғи,
Андуҳ, ичра кўнгил сиқилар бешак.
Гўё бу фасл – руҳ, сукунат боғи,
Аста уйғонадир исёнкор юрак...

Илмоқли дарахтзор нам ичра беҳол,
Айёrona мудрар – уйғониш васли.
Руҳ ичра тўкилар андуҳлар дарҳол,
Жунжикар дарахтлар новдаси, асли.

Эй фасл, эй лаҳза, бир он тўхта, тин,
Қайғумнинг томчисин тиндирай бир зум!
Томчи-томчи – шода-шода руҳ доғин,
Оқизмай-томизмай қилайин бир хум.

Йил боши – турибман, гўё аёқчи³¹,
Бу хумни сипқорай йил тугар доғи.
Новдалар илмоғи – руҳнинг тилмочи,
Кўнгил узра пайваст, тирнар тирноғи...

³¹ Аёқчи – соқий (рамзий) маъносида.

Қандайин бардош-ла чап бериб қишига,
Омонлик фасли, дея ғимирлар шохлар?!
Аччиқ қаҳратондан noctor ях ичра,
Бечора томирлар минг бор зор титрар...

Баъзан, томирларни қўйиб хатарга,
Жонимиз сақлаймиз панада, алҳол:
“Гўзаллик барқ урсин, сўлмасин, дея
Аъло новдалардан кутамиз ҳосил”.

Томир заминига сингиган асрор,
Ситилиб кетмасму банди бандидан?!
Ҳайҳот! Ботин ичра яшар жон қадар,
Ичгани оғудир, ютгани – заққум...

* * *

Ер ичра томирлар ётар хокисор,
Тупроқ қат-қатида ун чекар noctor.
Ўзни кўрсатишдан бенасиб минг бор,
Ҳар нега менгзашмас бундайин асрор.

Шундайин хокисор, бундайин тақдир,
Уларни тарк этмас, таъқиб этар бу?!
Сўқир ломаконнинг битиги туғдир,
Ломакон қаърида ётадир мангур?!

Ғариф кўринадир кўҳна масаррат,
Ишқиз яна ғариф кимсасиз жаҳон.
Тупроқлар остида ажиб мазаллат,
Томирлар ғимирлар, сув ичар шоён.

“Тупроқман – ер билан томирим туташ,
Сувман – аччиқ-аччиқ тұқаман күзёш”...

Бу қандоқ синоат, қандай мазаллат?
Бундайин үйғунлик недандир адам?!
Томирлар вобаст күнгил узра пайванд,
Булар ломаконнинг чизгиси билсам...

Тақдири азалнинг ёзмиши қизиқ,
Томирлар ер ичра маҳқумдир абад.
Ёвуз ҳаракатлар амали тузоқ,
Сиз үзни асрангиз, қолурсиз шояд...

Тирик рұх тан узра яшashi мушкул,
Тирик жон ер ичра яшashi, қайғы.
Тириклик эвази – тимсолий буткул,
Томирлар ер ичра зах ичар – оғу...

Томир ботинига сингиган асрор,
Ситилиб кетмасми банду бандидан?!
Шунчалар зулм ичра яшар жон қадар,
Ичгани оғудир, ютгани – заққум...

* * *

Зангор япроқларим бормисиз ҳамон,
Суронлар гирдоби тортмасдир, наҳот?
Шукrona айтurmиз томирлар омон,
Ажиб ботин ичра томирлар нолон...

Менинг хотирларим илдизи урён,
Фамимга ғамларим қүшилар қондек.
Шукр, набзим ичра визиллар бир қон,
Қон эмас зардобрар изиллар ғамдек.

Күнглим марзаларин қирқ, майли, замон,
Аммо илдизларни қирқма, шафқат қил!
Тоинки охират – гирёним сукут,
Қарошимда томир нигоҳлари, бил!

Наҳот, ҳақнинг ҳақлигига ишонмас киши?
Ахир, изсиз қолмас ҳеч бир шақоват?!³²
Томирлар ботиний ҳаракат рамзи,
Ботинга дахл қилиш – Тангрига одат.

Сўнгги бардошларим, тоқат ёр бўлсин,
Сиз менинг жон қадар адоларимсиз,
Сўнгти қийноқларим, бўлинг сиз омон!
Ер узра хор, тубан пастдаман, сизсиз.

Афсус, бебаҳрадур улар, тоинки
Минг йиллар тўйинган кавсаросодан.
Үтмиш хотирамнинг синиқ парчаси,
Нечун ёвуз руҳлар синмас, дафъатан?!

Томир замирига сингиган асрор,
Ситилиб кетмасму банду бандидан?!
Наҳот, ботин ичра яшар жон қадар,
Ичгани оғудир, ютгани – заққум...

³² Шақоват – толесизлик, ярамаслик, инсонлик сифати
йўқотишлик маъносида.

* * *

Шуғулланиш сўзи кўп оғир, мега?
Оғир уққаним-ла кўнглим-да таймур.
Кимларнинг ёзмишин топтамоқ ила,
Замонлар кимлардир шуғулланар зўр.

Бу сўзни эсласам, хўп оғрир дилим,
Кўзимга кўринган қаттол чеҳрадир.
Чайқалар, жонланар бир кун хотирим,
Хотирот – боғимдир, ҳар не андуҳдир.

Лаҳзалар тобора эпкинлашар тез,
Юракнинг уриши унга ҳамоҳанг.
Кўнглим томирлари қўш ураг ситеz,
Шундай билганимдан юрагимдир занг.

Уфуриб турадир ернинг-да ҳиди,
Анвойи таралар муаттар замин.
Моғор босган ерлар сукунат уди,
Чертар кўнгил ичра муazzам жомин.

Томир ботинига сингиган асрор,
Ситилиб кетмасму банду бандидан?!
Шунчалар ботин ичра яшар жон қадар,
Ичгани оғудир, ютгани – заққум...

* * *

Аччиқ кўз ёшларин тўкарлар, эссиz,
Барига бардоши етарми, сўзсиз?!
Аммо афсус, бизнинг нигоҳларимиз
Томирлар кўз ёшин кўрмагай ҳаргиз!

Навниҳол майсалар томири беҳол,
Совуқ қаҳратоннинг домидан омон.
Яна яшаш учун қиларлар камол,
Сўнгти бардош, дея чекарлар нолон.

Новдалар бу дам мўрт – нақадар ғамгин,
Томирлар ундан-да, заифу беҳол.
Мунғаяр томирлар, хокисор-рангин,
Ўтадир суронлар, топмаслар завол?!

Ахир, мангаликнинг мўътадил они –
Шу он томирларга файзиёб етар?!
Тики, нафосат бор – томирлар шаъни,
Боқийлик ҳассасин емиролмас зар...

“Сўлдирма, дунёга шафқат қил, қизған,
Етилажак ҳосил бўлмасин хазон!”...

Томир заминига сингиган асрор,
Ситилиб кетмасму банду бандидан?!
Шунчалар ботин ичра яшар жон қадар,
Ичгани оғудир, ютгани – заққум...

2015 й.

ҒАЗАЛ ЙҰЛИДА

• • •
Эй дўстим, шафқатсиз хунхорларга боқ,
Оқни қора деюр, диндорларга боқ.

Мангусдек шижиоқкор, найрангта бардош,
Қадами ваҳимли морхўрларга боқ.

Аламинг қондирап, ичингда доғлар,
Ёғдули кишилар нигоҳига боқ.

Ахир, нечун дунё қабоҳат тұла,
Макру ҳийлаларнинг маскани тузок...

Күнгилни тутгил пок, сақлан кибран,
Бўйнингга осилган зуннорингга боқ.

Гар тилим ғалатдир, лекин дилим тоқ,
Манзарнинг замзама сўзларига боқ.

* * *

Чекди умрим водариғо, ҳасрату андуҳ ила,
Бұлмадим, мен бир замон ишқингдан
айру дам ила.

Дам бу дам деб, ошною хонумондан
күп йирок,
Сарғарыб түшдім хазон япроғи янглиғ
ун ила.

Бу забун ахволима истаб чора,
күп интилиб,
Лимааллоҳ мақомидан умид қилдим,
сайъ ила.

Таҳ-батаҳ күнглим қондир, эй аҳли надим,
Чок ўлған күнглима айланғ тараҳхұм сүз ила.

Сүз күпдир, қийлу қолдан танизорим ҳазин,
Гүшаи тутдим, күнглим тұлатдим майу ноб ила.

Бир замон қилмади ёр наzzора, бу қули
нодонига,
Үтди умринг Манзаро ғафлатда нодонлик ила.

Жабрни кўп қилдинг жоно,
Кўнгилни зорлатиб айро.

Юармен телбараб итдек,
Яна қанча ситам-аъло.

Кўзим гирён, йўлинг пойлаб,
Кутарман мен гули раъно.

Саҳар гул фунчадек кўнглим,
Кўпар мудом ўзин аъмо.

Ҳажр шоми кўнгил эзди,
Яна қанча шарап пайдо.

Менинг ақлим забун бўлди,
Ўзимдан-да, бўлдим жудо.

Бу ишқнинг можаросидин –
Яна қанча ситам-фабро.

НАВРҮЗ

Бугун Наврүз, күнглингизни тараб айлан
ёронлар,
“Ишрабу...”nidоси ила қонингиз эй,
ташналаблар.

Мутрибо чалгин наво, ташна диллар яйрасин,
Ох чекиб то тонггача юрак-бағри садпоралар.

Хуш айём Наврүздир, ишқ аҳлига соябон
кундир,
Бу оқшом билло тенг келмиш қайғу ва
шодумон дамлар...

НАЗИРА ЙҮЛИДА

I

Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим,
Рұхни рұх айлаган дурри ятим.
Яратиб рұх ичра Одамни мұтлақ,
Үзин айлаб пинхон, vale мұғлақ.
Фам туни яратди инсонни бешак,
Қилиб фам заврақига ғамни әшкак.
Бу уммөн ичра сузар кашма-каш,
Поёңсиз андух узра хасдек саркаш.
Хам рұхин айламоқ чун тару тоза,
Берди күнгил отлиқ бир мұжиза.
Кавну макон ичра инсондир якто,
Яраттанга айлар рұхин минг фидо.

II

Оҳим етгайму сенга, эй Худойим,
Яраттан биру борим, сен паноҳим.

Қолибман мунда мен қайғулар ичра,
Борурман хаста ҳолу, рұзгор ичра.
Бу күнглимда ётар доғлар уммени,
Бало дарди – бепоён ҳар ёни.
Нечун күнглимга солдинг бунча қайғу,
Фамимни кунма-күн қылдинг-ку мангы.
Ҳақириңмен, фақириң, хокисоринг,
Забунингмен, яна ошуфтаҳолинг.
Күзимга дунёйинг бўлди бир тутам,
Кетарни ихтиёр этдим мен бу дам.
Қаро қайғу, охир, илкимдин олди,
Қаро ерга тиқиши занжирин солди.

Бошимда күринмас асорат дөғи,
Юрак-бағрим қийма-қийма дөғи.
Сенингсиз яшамам тириклик ичра,
Оғирдир дунёда қолмоқ тан ичра.
Күзим мардуми ичрадир бу жаҳон –
Күрингай бир заврақи хас, нотавон.
Чиқармен тан уйидан заврақимга,
Аро йүлда қолган қайғы хасимга.
Халос этсанг мени бу қайғудан, воҳ,
Чўкиргин ғам қайифимни, ногоҳ.
Ҳаётим полазори қон ёшимдек,
Хазонрез боғларим тану зоримдек.
Нетай сенсиз бу бустону чамани,
Тириклик қилмоғим душвордир мени.
Нечук кўрдим жаҳондан мунча зорлиқ.
Топиб қилган ишимдан кўп пушмонлиқ.

“Бормағайсен топмағайсен,
Топмағайсен қилмағайсен...” .

Тириклик гулшани бўлмиш тиканзор,
Нишидан кўйлагим эрмиш полазор.
Қуйибмен дунёга, охир, уч талоқ,
Булиб қазога муставжиб мундоқ.
Қолурменму аросат ичра тарёқ,
Кўриниб далли девонаи бебок.
Ҳаёсизлар яшар бепарда иқбол,
Покравлар юрар бeroҳу бебол.
Наҳот шундай кечар бу умри азиз,
Омонлар ўзидан бехабар, лазиз.
Эзгин-эзгин ғамларни айтаверсам,
Тўкилади тизгин-тизгин ғамлар нам.
Чил-чил синар фоний дунё умидларим,
Ваҳдат майи шаробидан томчи ичгим...

АЛИШЕР НАВОЙЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Меҳрини сарви сочибдур, ёр меҳросо эмас,
Ошиқ гар үзни унутмиш, маъшуқ дилосо эмас,
Суйрийин дарё ёзибдур сув равоносо эмас,
Сунбулин Лайло очиптур, ел абиросо эмас,
Дофини Мажнун қонатмиш, лолайи ҳумро эмас.

Куйдирап жону жаҳоним оташ ишқинг нори, ёр,
Дарди ишқинг мен кеби йўқ хастаю бемори, ёр,
Солланар дема зинҳор бошимда ҳижрон дори, ёр,
Настаран кўзгусида бир сори мен, бир сори ёр
Чехра аксин кўргузуптурбиз гули раъно эмас.

Колиб кетсам, не ажаб, Фарҳод кеби мен тоғ
апо,
Бағрим лавҳиға чекилган қонталаш минг доғ апо,
Телбаю девонаман аҳли башар – бор соғ апо,
Гулни ӯхшатқан учун ёримға гўё боғ апо,
Музтариб кўнглум қушидур, булбули шайдо эмас.

Ишқ савдосидин кўрингки, бу бошим ғуррасин,
Ёр этак силкибдур, ғубори кўкка етмиш
дуррасин,

Гул атридин мураттаб айлагандай ер куррасин,
Сунбул устидин насим эсгач, нигорим туррасин
Ёд қилдимким, димоғ ошуфтадур, савдо эмас.

Гардун минг бир алами қилди рангу рўйим
зарир,
Қайрар қилич бошим узра ҳар тўрт фасл
замҳарир,

Жисму жоним минг бир аср яшаган
каби қарир,
Наргис олтун жомининг оллида кофурий ҳарир
Пардаи жонимдуур марҳун, қадаҳполо эмас.

Бу жаҳон зулумотида ўзга йўқ оби ҳаёт,
Чун ўлим дастидин қочқан бирла йўқ
ҳеч бир нажот,
Айб этманг, эй покравлар қилсан
афғон, йўқ қанот,
Дема, афғонимда булбул ноласидек
йўқ нишот,
Бу ҳам андуҳзо эмас, гар ул нишотафзо эмас.

Давлати дийдорига еттим кўнгул бўстонида,
Маҳшар томон беармон кеттим кўнгул
бўстонида,
Дилдорсиз хаста ёлғиз неттим кўнгул бўстонида:
Гулни сарв узра хаёл эттим кўнгул бўстонида,
Рост айтай: сарви гулрӯом киби зебо эмас.

Булбули шўрида нетсин заған аро, зоғ аро,
Топилмас гули тар баъзан минг бир боғу
роғ аро,
Минг бир беадад доғ бор кўнглиму қароғ аро,
Булмангиз мағрури ҳусн, эй шўхларким, боғ аро
Сиз киби билтурғи гуллардин бири пайдо эмас.

Баҳор айёми гар боғи жинондин етти қадаҳ,
Қўлдан-қўлга гар муҳаббат жомидай ўтти қадаҳ,
Дашти ҳижрон ичра Манзар ул ойдин кутти
қадаҳ,
Манга гулрӯҳ соқию булбулға гул тутти қадаҳ,
Маст эрур ул ҳам Навоийдек, вале расво эмас.

АЛИШЕР НАВОЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Мени дилхаста зор күнглим гумондин
асрафил, ё, Раб,
Гумон гирдобида бор бадгумондин
асрафил, ё, Раб,
Бадахлоқ, бадгумону беимондин
асрафил, ё, Раб,
Ул ойнинг гулшани ҳуснин ҳазондин
асрафил, ё Раб,
Гулу шамшодин осеби замондин
асрафил, ё, Раб.

Топиндим то ҳаётим бор муқадлас-ҳур
калом-сўзга,
Дилим боз бутладим ёлғиз қаноат айладим бўзга,
Кўринмас кўйидин ўзга, маво маст-мастона кўзга,
Балои ишқ ногаҳ учрар, ушбу телбадин ўзга,
Улусни бу балойи ногаҳондин асрафил, ё, Раб.

Не “ҳай-ҳай”лар ҳайратимдин, яна такрор
не “бай-бай”лар,
Беомон фармони ишқинг яна нелар
сари шайлар,
Балойи ҳажри ичра бу балокаш,
водариф, найлар,
Ул ой ҳар ёнки айлар майл, ишқ аҳли
хужум айлар,
Манга сўз буки: ани барча ёндин
асрафил, ё, Раб.

Кўрингай не акобирлар адолатпеша одилдек,
Вале, қилмиш-қидирмишлар не баттолу
не ботилдек,

Жаҳон ичра топиб бўлмас синоат бир
қарич тилдек,
Нихоний дарди аниңг мұхлиқ эрмиш
захри қотилдек,
Жаҳон аҳдини ул заҳри нихондин
асрафил, ё, Раб.

Демай, барча бало борки, ани аҳди
замон қилди,
Хунарлар не, вовайлатор, беаёв, беомон қилди,
Бусиз ҳам захми бағримни яна ҳам чоки
чин қилди,
Манга номеҳрибонлик бирла ул бут
қасди дин қилди,
Бари элни бути номеҳрибондин
асрафил, ё, Раб.

Кечиб мендин ағёрга не боис берди даст
ул кофир,
Боши узра ошиқ аҳдин ҳамон забардаст
ул кофир,
Десам, ошиқпарат ё беимон элпарат
ул кофир,
Ҳалойиқ дини торожиға чиқди маст
ул кофир,
Қаён майл этса ислом аҳдин андин
асрафил, ё, Раб.

Дили дардим айттолмам ҳеч, бағриқон
күксимни очиб,
Кетолмасман күйидин ҳам бадар бошим
олиб қочиб,
Бешафқат ҳукми тақдирдин шикоят
то эмас вожиб,

Чиқармен телба итдек оғият күйидин
 үт сочиб,
Жамиъи яхшиларни мен ёмондин
 асрафил, ё, Раб.

Не қаттол ҳукми тақдир бу - не баттол
 минг замон күрдум,
Тегирмон тошлари ичра тақир бошим
 омон күрдум,
Вале, шукроналар айтдим гар мудому
 ҳамон күрдум,
Жаҳон аҳлиға қилдим жон фидою қасди
 ジョン クーラム,
Не маҳзун жонки бор, аҳли жаҳондин
 асрафил, ё, Раб.

Дилимда тоабад сақлай муҳаббат
 ганжию сақлин,
Тилимда тоабад куйлай муҳаббат
 нағмаю нақлин,
Навосозлар панди бирла Манзаро
 пешлагай ақлин:
Навоийнинг фифони ўти куйдурди
 жаҳон аҳлин,
Малойик хайлини ул ўтлуғ фифондин
 асрафил, ё, Раб.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Дил сени соғинур, лек ҳажр бўлмиш
шиддат насиб,
Не қиласай, ишқ шиддати бўлмиш менга
беҳад насиб,
Нотавон кўнглим қушига то ҳамон
захмат насиб,
Эй, фироқингдин манга ғам рўзию
мехнат насиб,
Оҳким, ҳажрингда ўз шаҳримда
бўлмишмен ғариб.

Музтариб эрдим, замирим дард чекмак
эрдию бас,
Минг ахтарсам ўзлигимким, дам ихроj
эрдию бас,
Во ихроj эрдим, насибим ранж емак
эрдию бас,
То ғариб эрдим, насибим ғам емак
эрдию бас,
Шаҳрим ичра доғи ғам бўлса насибим
ё насиб.

Ўз еримда музтар бўлдим излабон
ёру диёр.
Ҳиддат узра тонар эрдим қолибон
ёру диёр,
Бир ғамхона истар эрдим безабон
ёру диёр,
Фурбат ичра истар эрдим кезибон
ёру диёр,
Чунки топдим, истамак фурбат эрур
беҳад ғариб.

Мен диёру ёрсиз, ғурбаткашлик ҳар
тийра тун,
Бир келиб, ай муҳтасиб сен ҳолим сүраб
май сун!

Тийрадур бу кулбаи аҳзоним, сен
ёритгил бефусун,

Ўз диёримда бузуғ кўнглум не янглиғ
тўқтасун,
Ким эрур бегона ҳам аҳбоб мендин,
ҳам ҳабиб.

Кимга ким бўлса рақибким, бегона
айлар илтифот,
Бетакаллуғ бўлсам агар ағёр айлар
илтифот,
Сен ҳақиқир кўрган қулингким, ёр айлар
илтифот,
Ким рақибим бўлса, баским, ёр айлар
илтифот,
Оlam аҳлини соғинурменким, менга
бўлмиш рақиб.

Минг алам, минг мاشаққатсиз ҳеч насиб
этмас сафо,
Бағри тош бўлса ҳам ёринг дема зинҳор
бевафо,
Илтифотин таъна қилмас ҳеч қачон
аҳли вафо,
Даҳр аро, эйким дединг: айлаб вафо,
кўрдум жафо.
Ким вафо аҳлидурур, бу сўз анга
бордур ажиб.

Носиҳо, зуннор наслин топмасанг,
йўқтур ажаб,
Панд эшитмай ёр аслин топмасанг,
йўқтур ажаб,
Манзаро, гар ишқ васлин топмасанг,
йўқтур ажаб,
Эй Навоий, ёр васлин топмасанг,
йўқтур ажаб,
Нўш йўқ, лекин кўрар юз ниш гулдин
андалиб.

АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Асра боғинг эй улус, кўп
ёмондин, ё Раб,
Ўзлик учун ҳеч демас
нотавондин, ё Раб,
Амал қилмас боғ қуриб
амалдордин, ё Раб,
Боғингга етмасун ошуб
хазондин, ё Раб,
Гул била сарвунга осеб
замондин, ё Раб.

Ўзи сингари нозик таъби
ジョン бергувчиидир,
Товусдай хиромию даъби
ジョン бергувчиидир,
Деманг ҳеч у ҳам Масиҳ каби
ジョン бергувчиидир,
Олди жон лаълию элга лаби
ジョン бергучиидир,
Барча қул бўлсун анинг оллида
ジョンдин, ё Раб.

Дұзахдан ҳам тангу тор мен учун
жумла жақон,
Наинки рангим сомон, наинки
қаддим камон,
Ҳажрида дилим вайрон, юрак-бағрим
бўлди қон,
Дардини баски ниҳон туттум –
ўлармен пинҳон,
Воқиф этгил ани бу дарди
ниҳондин, ё Раб.

Во дариғ, күнглим бир бор олмади
ул ой яхши,
Жабру ситам қилиб ҳам толмади
ул ой яхши,
Бир нафас ҳам ёнимда қолмади
ул ой яхши,
Ёмон аҳволима күз солмади
ул ой яхши,
Яхши огоҳ қил ани бу
ёмондин, ё Раб.

Вафо қилмай париваш бағримни
тилди мени,
Риштаи жонимни дор қилдию
илди мени,
Фариблардан ҳам ғариб бир гадо
билди мени,
Юз жақон зулм жақон аҳли манга
қилди, мени
Фориғ эт аҳли жақон бирла
жақондин, ё Раб!

Қасд қиласар бир жонимга
минг бир асотир, қутқар,
Ишқ бобида Фарҳоддай бўлсам
ҳам ботир, қутқар,
Тобакай бағрим ўртар минг бир хавотир,
қутқар,
Берибон кўнглума жамъияти хотир, қутқар,
Ҳар неким андин эрур тафриқа, ондин,
ё Раб.

Ҳажр шомин торларин бори
Манзари тортар,
Ғам чекиб то тонгача киприк
озори тортар,
Дилрабо кўнгил тезтар мудом
фиғоний тортар,
Кўйида ҳажр фиғонинки
Навоий тортар,
Ҳам мени, ҳам ани қутқар бу
фиғондин, ё Раб.

ТҮРТЛИКЛАР

* * *

Гар, асти, шоирлик даъво қилмайман,
Гарчи синоатин тўлиқ билмайман.
То тушди қалбимга оташин ишқинг,
Таърифинг куйловчи дилтортар найман.

* * *

Ҳамон жозиб ҳазрат навоси,
Ҳаётбахш ашъорин ҳавоси.
Севимли ёр оғуши каби
Чорлар-чорлар оҳанрабоси!

* * *

Косагул, қадаҳни тұхтатмай узат,
Вайрона қўнглим коса май билан тузат.
Сармаст бўлсин десанг руҳим тоабад,
Сўнгти лаҳза мени май билан кузат!

* * *

Надомат чекишдан фойда йўқ дўстим,
Ахир, надомат ҳам нодоннинг иши.
Бирма-бир битмоқда аста кам-кўстим,
Ўнгланса, не ажаб, ҳар ким турмуши.

* * *

Ўткинчи дунёда бари омонат,
Беҳуда жонингга қилма ҳеч жабр.
Қувонч ҳам, ҳасрат ҳам бисёр-тумонат –
Дунёда ягона нажот бу – сабр!

* * *

Кўнглинг тарк этмагай орзу-умид ҳеч,
Вале, сен манфаат даъвосидан кеч.
То оёқ-қўлингга солмайин тушов,
Нафсинг муаммосин ўз вақтида еч.

* * *

Демасман, мен сенга тулпор отли бўл,
Асилизода бўлгин ва ё зотли бўл.
Азиз бўлай десанг, икки дунёда,
Лафзи ҳалол, сўзи ширин, тотли бўл.

* * *

Ай, мени илоҳий сирдошим,
Қалбимга йўл топган йўлдошим.
Суянчим, қардошим, юртдошим,
Хоки туроб – пойингда бошим!

* * *

Навозишлар билан кўнглим чоғладилар,
Оёқ-қўлим ришта-ипсиз боғладилар.
Соддалигим бало бўлди бошимга, вах,
Юрагимни шафқат қилмай доғладилар!

* * *

Ҳолига бир қара ёқаси чокнинг,
Элу юрт наздига тубанинг-хокнинг.
Даъватига қулоқ тутгин идрокнинг:
Осон минг мушкули ботини покнинг!

* * *

Демасман: бosh яланг жала-дўлга кир,
Алангаи оташ саҳро-чўлга кир.
Фанимат ҳар лаҳза, токи, бир фурсат,
Эй ғофил, оқилдай тўғри йўлга кир!

* * *

Меҳрин очиб кулса бир чечак ғунча,
Қуёшдан нур эмиб бўлгандир шунча.
Ҳар бир гўдакка ҳам бахш этар ҳаёт
Она меҳри деган буюк тушунча.

* * *

Қисмат ўйинлари бошимда туғён,
Малакий бир қувват, руҳимда исён.
Пушти паноҳ Тангirim ўзи ёнма-ён,
Етказолмас ҳатто шайтон ҳам зиён.

* * *

Изтиробдан ёнмоқда қалбим –
Маҳзун ўсган етим севгидан.
Бунда ҳар он қувфинди қуш жим,
Ёлғизликнинг эслаб бир кунин.

* * *

Ҳайдадилар, ё Раб даргоҳларидан,
Гўёки сарбаланд баргоҳларидан.
Икки олам ичра кечиб баридан,
Не ажаб, ўтсан минг фарсаҳ наридан!

* * *

Тоғларга тегманг эй, азиз одамлар,
Безаманг тоғларни, ўзи-да, гүзал.
Аслига содиқ қолсин бу тоғ-тошлар,
Абад наққоши-да, безаган азал.

* * *

Шоирман деб, қылма шикоят,
Дардлар учун бағринг қўйинми?
Қанча-қанча тунлар иноят,
Ишқ дардлари найранг-ўйинми?

* * *

Наҳот, ўтди барча-барчаси,
Забун ҳаёт-мамот ҳарбидан?
Гуллар сўлди, севги топталди,
Қабоҳатнинг метин зарбидан.

* * *

Эй менинг қалбимга озор берган зот,
Юмушинг кўнгилни синдиromoқми, айт?
Сенга насиҳатим бу шаштингдан қайт,
Агар керак бўлса, юлқиб берай, айт?!

* * *

Олис уммонларга кетаётган ким,
Секин-аста эшкакларни ечаётган ким?
Мұхаббат тухмини экиб дилларга,
Маърифат дарёсига чўкаётган ким?

* * *

Йигитликда астайдил тер тўксанг
бilmай тиним,
Қариганда роҳатин кўргайсан,
азиз иним.
Ибрат ол дехқонлардан: баҳорда қилиб
ғайрат,
Кузда ҳавас қиларли ҳосил тўплар
мўл-унум.

* * *

Тушиб бошимга минг савдо ки, мендин
бир хато ўтди,
Қуюндек дардларим, охир, ғам тоғидин
бехато ўтди.
Бу ишқнинг шиддатидан руҳим хўп
хаста-хотирдир,
Агар билсанг менга бу ҳиддат кўп оғир
бало бўлди.

* * *

На қисматдир, аё, жоно, мени баҳтим
забун бўлди,
Минг бир армон, минг бир карвон, яна
минг бир табун бўлди.
Бу ишқнинг можаросидин ҳаётим
тонги шом бўлмиш,
Бошим узра то қиёмат фақат зулматли
тун бўлди.

* * *

Самовот буржида юлдузлар базми,
Умр кемасида ҳасратлар назми.
Ахтари толеин ахтариб инсон,
Фам селин киприкла түсмоқда чунон.

* * *

Эй сарвинозим құлма шикоят,
Сенсиз бу олам менга ривоят.
Кимлар үтмади, унсиз ниҳоят,
Тақдир ишидан қочмоқ не ҳожат?!

* * *

Юрагим қон қилас даҳри-дун иши,
Басма-бас санчилар минг битта ниши.
Айтинг, нетиб хаста бўлмасин қалбим,
Зиммасида икки олам ташвиши.

* * *

Бунда чизар мусаввир тасвир,
Хаёлидан үtkазиб шамшир.
Ёмғир ёғар хаёлдай сизиб,
Мусаввирнинг ўйларин чизиб.

* * *

Бош күтарди қирда гуллола,
Севинчларга тұлған шалола,
Кимлар маҳзун – буқун бегона,
Бир умрлик армоним менинг.

* * *

Чирой очиб атроф гуллари,
Мени ҳайрат чулғабдур буткул.
Яна келди баҳор онлари –
Юрак түкиб соларсан бедил!

* * *

Яна миннат ошини едим,
Яна қалбим бұлды беҳузур.
Яна туҳмат тошини едим,
Яна етди тишимга путур.

* * *

Хәйлік ғарқ рассом үйлайди,
Илҳом кенгликларин бүйлайди.
Бұлажак шоҳ асарин тархин
Сирли абри-найсон сүйлайди.

ТАРЖИМАЛАР

Мирзо БЕДИЛ,
(Хиндистон)

Кибриёлик авжи узра ожизлик тутди
роҳ анда,
Бошингни мунда мӯйдек хам қилсанг
бордур кулоҳ анда.

Муҳаббатнинг адабгоҳи ноз-шӯҳликдан
йироқдир, бил –
Ки шабнам ишвадан дўнди меҳр ичра
нигоҳ анда.

Ноз базминг ёди ила саҳар туриб ўқисам
Қуръон,
Сокин ханда-шиитоб не ерга етар
дастгоҳ анда.

Дашти улфат ичра муқим бўл, хушдамлик
эктивор айла,
Қўзингга андуҳ келтираса мижгонларинг
гиёҳ анда.

Барчаси мушкулдир, риёю фитнадин
халос бўлиш чун –
Бошим юлқиб, ўз ёқам ичра яширдим
паноҳ анда.

Эй хуш! Вафо базмики, изҳор хижлатидан
эмас ноумид,
Чун шарора тошга урилмай, чиқмас
оҳанг, оҳ анда.

Бенаво киши машраблик атворин
билимагай ҳаргиз,
Сувсизлик киши рангинсомон қиласар,
зери коҳ анда.

Паришон дил ғуборидан саҳар файзи
мавжланмиш хӯб,
Кечанг кундуз эмас, гар қилмасанг
бўлмас табоҳ анда.

Ҳавас Кањонида Юсуф матлаби
ғамдан эмас фориф,
Ўзига маҳлиё бўлмоқ нечун, ижоди
choҳ анда.

Фанолик хаёлин жилвазори ҳам бир
оламидир,
Азал наққоши тарҳидан йўл юрармиз,
гоҳ-гоҳ анда.

Кўнгил косаси таҳаммулсиз озодлик
эҳромига боғланмас,
Магар бу жом тошга айланар, бўлиблар
узроҳ анда.

Бемуддао дил фириби ичра лангдирмен,
эй Бедил,
У водийда йиқилдим, ки манзиллар
қолиб, роҳ анда.

* * *

Яратган эгам лойга қорди дилимиз,
То очмоқ чун ҳолату қайфиятимиз.

Зоҳиру ботинимиз бўядик ҳар тусга,
Ахийри билдик-ку расво ҳолатимиз!

Парда орти узра қилдик-ку хўб шўхлик,
Наҳот, кимса билмас, нотавонлигимиз.
Ошкор оламдаки, бўлдик бепарда,
Чун яшириб бўлмас нодонлигимиз.

Кибру ҳаволикдир кимнинг фасонаси?
Гоҳ ноз шева узра қўкка етар бўйимиз.
Бердилар бир кўзки, сўқирдан-сўқир,
Кўзгудан бебаҳрадир басиратимиз.

Фирдавс эшиклари очилур ҳамон кун,
Бедимоғлиқдан фардо деюрмиз.
Бериёлик узра гавҳар ҳалқаланди –
Қўлни ювган ҳамон дарё сувида биз.

Номус либоси гар торлик қиласа,
Биёбон мавжидга ухлар сахройимиз.
Ҳайрат тарозиси – Ҳақ моҳир устадир,
Хаёл-тимсол эрур, кўнгил-дарёйимиз.

Ваҳдат созидан касрат маҳв бўлмас,
Танҳоликда гар тахайюл ҳамроҳимиз.
Тааллук ваҳми дея, дўнгил ўзингдан,
Сахронишиндир чун бу хонумонимиз.

Мавжуддир исминг, хаёлот эрур боқий,
Масиҳ сари борар Хизр оламимиз.
Бу ноумид манзилдан бизга не фойда?
Гар Бедил ҳамхона, Анқо ҳамсоямиз.

Хавойи кайфиятдан бўладир содир пуфак –
Ақлимизни ўғирлар бодадаги гар пуфак.

Рамздир Анқо тухми, етолмади ҳар ким ҳам,
Пари тагида пинҳон, надир у наҳот, пуфак?!

Дил уйига ўзингча бош сукмагил ҳеч маҳал,
Худойимнинг санъати кўп нозикдир, пуфак.

Махфиймасдир бу ҳаёт шаклу шамойили-да,
Ойна узра осиғлиғ эшик-томдир бир пуфак.

Дунё ори химматда, давлату бойлиқдир ҳеч,
Саркашлиқ қилас дарё, тождоридир гар пуфак.

Қўрғошин қусқисидан туйнуклар гард босибдир,
Бу кенгликни тўлдирап, қўшинлардирки пуфак.

Денгизнинг ҳар қатраси – дурру гавҳар сочилар,
Либос тўқиймиз мудом этагидир ҳар пуфак.

Кўнгилдаги ҳар андуҳ, беролмасдир тасалли,
Дарёки яралгайдир, ҳар томчи кўз ёш пуфак.

Гар қаерга бормайин, хилватдан топдим нажот,
Ўнгиrlар остидадир ҳамон лашкари пуфак.

Бир лаҳзалик руҳингта кимдир берар бир ором,
Оҳ, белангар гар кема қоронфудир, пуфак.

Сеҳрдир англа Бедил! Чеккан барча заҳматинг,
Бу сувратдан кўрингай матоҳингдирки пуфак.

Паҳлавон МАҲМУД,
(Хоразм)

* * *

Паҳлавон Маҳмуд – қутблар қутби,
Тажрид мамлакатин подшоҳидир ул,
Ирфон қибласин гавҳари кони,
Тавҳид денгизин дурдонаси ул.

* * *

Қилма қора тошдан талаб ложувард,
Пок кўнгил, юқтирмас сира чангу гард,
Эшит Маҳмуд Пурёрвалий қаломин:
Бедиллардан чиқмас сира жавонмард!

* * *

Эй санамо, дўстлик аҳдини тузгил,
Ўзгалар меҳридан кўнгилни узгил,
Тонг чоғи биз томон ихлос ила кел,
Ҳожат раво бўлмас – дўстликни бузгил.

* * *

Майхонада тенг гадою шоҳ,
Борлиқ учун толиби гумроҳ.
Кенг самода қуёш билан моҳ,
Ҳар дарвишга кулгу билан оҳ.

* * *

Кўйинг ила ёмон ҳамон аҳволим,
Бермайди менга омон бу аҳволим,
Бир бор хабар олмасанг, эй хожам,
Ёмондан-ёмондир забун аҳволим.

Александр БЛОК,
(Россия)

* * *

Сарин шамол сассизланар,
Тийра оқшом кириб келар.
Қузғун сингар қарағайга,
Сукунатни бузиб мудрар.

Ётсираб сен андуҳдасан
Айт, сен мени унұтдингми?
Мафтун этмас, наҳот бу тун
Асл бедөң шу севгими?

Наҳот севгинг бир лаҳзалик –
Мудом бесас күйингдаман.
Киборлисан бесүз үзинг
Садоқатда ягонасан.

Шуыла учар парпирамай
Енгил бесар шарпадайин,
Гар бұлсайдинг маҳбубам, ай,
Бұлардинг сен баҳтли тайин...

Тангрим паноҳ! Кеча яқин,
Пастлар тестар қалдирғоч гоҳ,
Гулдурослар чақмоқ чақин,
Тун партави нигоҳинг, воҳ.

1905 йил, 21 август

Борис ПАСТЕРНАК,
(Россия)

ЯГОНА КУН

Қаҳратон қиши – оғир палласи,
Қуёш дарвозасин эслайман.
Ва ҳар бири бетакрор эди,
Такрорлайман яна қайта ман.

Барчалари бешикаст занжир,
Боғландилар бурунма-бурун –
Ҳамоно, кун гар ягонадир,
Бизнинг-ча, тұхтаган бир қурун.

Хотирда ҳар бири, ҳаммаси:
Яқинлашар қишининг намчиси,
Йұлаклар нам, томлардан оқар,
Қуёш әритган муз томчаси.

Мехрибон, гүё түшдагидек,
Ҳар бир үтган онлар үзгача.
Дараҳтлар бүй чүзар, беҳолдек
Иссиқдан терлайди тунгача.

Ярим уйқу – ялқовлик мили,
Айланади қуёш қадоги.
Давом этар аср кунлари,
Ва, сиғмас бағрига адоги.

1950 й.

ҚАДИМИЙ МУЙИЛИШ

Куз. Нақадар афсонавий күшк,
Имкон сари кашшофлик барча.
Сүқмоқлидир үрмонли йұлак,
Суқилмоқ-чун кенг сувлик ичра.
Күргазма узрадир бир тасвир:
Йұлак, йұлак, йұлакдир йұлак.
Зарриштадек турага беназир:
Қайрағоч, шумтолу тоғтерак.
Худди күклам келинчагидай
Олтин узук тақар дараҳтлар.
Қайин боши ҳарир рұмолдай,
Никоқ либос гүё шаффоффидир.
Мафтун гүё замин чамбарак,
Чүкүр сой-ла пайваста япроқ.
Күршовдадир зағарон заранг,
Дераза ромлари мисли ялтироқ.
Сентябрь эрур дараҳтзорлар-ла,
Жуфт-жуфт тураг – ҳаёт зарпош.
О, пұстлоқлар кунботар ёна,
Каҳрабодек қолдирап күз ёш.
Бир нораво қадам – жарлиқдир,
Чүн ҳеч кимса билмагай шоён.
Хатарлидир бир одим содир,
Оёқ ости хазонрез аён.
Хайқирадир хиёбон туби,
Акс-садо қайтарар бүшлиқ.
Шафақгундир олча елими,
Аксланар каҳрабо илиқ.

Куз. Қадимий муйилиш яна,
Күхна китоб, кийим, яроғдир,
Құләзмадир, нишон ганжина,
Варақтайди бир-бир замҳарир.

1956 й.

ЗАМҲАРИР

Қуёш туман ортида – совуқ тонг,
Бурқиб турар үт узра тутун.
Мен-да, гүё жонсиз суратдек,
Наҳот, унга бепарводир мен?

Ҳамоно, у ғубор ичрадир,
Порлар құлда майса сингари.
Дарахтлар беҳолдек күринар,
Олис соҳил бўйидан нари.

Үткинчилар кечроқ билишар,
Туман ичра қалқигай ғоч-ғоч.
Аёз қоплар эт-да, шилвирад,
Ул қизарар шундоқ яланғоч.

Кетаяпсан қиров сүқмоқдан,
Чипгадай түшама гүёки бот-бот
Ҳансирар-да, бўғриқар замин,
Етмас тоқат, тўнгандир, наҳот?!

1956 й.

ХАВЗА УЗРА

Гүё зархал манқалдон зирҳли,
Күнғизлар боғда тұқилар аста.
Ортимдан, изма-из шамдори
Жилвали жаҳонга пайваста.

Э, қандайин эътимоддир бу,
Кечада мен дайди сасига.
Қаердадир бұзарған терак
Осилади ой марзасига.

Хавза узра ботин сукунат,
Денгиз бесас шивирлар оҳ-оҳ.
Осифлик күпrik ила бүғот,
Гүё қучар самони, ногоҳ...

1912 й.

* * *

Февраль. Бу сиёхдек томчилаб йиғлаш!
Ва, ёзмоқ февраль ҳақында зору зор.
Ҳамон күзак лойнинг шовқини-да бор,
Күм-күк қора, гүё ёнар аралаш.

Құлга ол парвозни. Олти “гривен” мүл,
Чорламоқда черков – құнғироқлар.
Жала чоғи бардошли бұл, қаерда дүл,
Ҳали шовқинлидир қора күзёшлар.

Қани, гүёки нашвати ноклардай,
Дарахтлар узра минглаб гүнгәрғалар.
Күлмакларни парчалаш – ағдариш-бай
Куруқ ҳасрат тубинда никон күзлар.

Мулойим күнгил туби – қора түйнук каби,
Бебош шамол увиіллар зору зор.
Ва, алхол садоқат ичра ёр каби,
Шеърлар туғиладир қалбимда илк бор.

1912 й.

* * *

Чорасизмен, тутқин йиртқичдек,
Қаердадир инсон – ҳур, эркин,
Мен билан шон овоза, бешак,
Ташқарига йўл йўқ мен учун.

Сирли ўрмон ва соҳил бўйи,
Базур ағдарилган тўнкадек.
Ҳамма ёқдан роҳлар узилди,
Нима бўлса ҳамонки бўлди.

Чиркин қилиб қўйдим ўзимни,
Наҳотки, мен ёвуз ва қаттол?!
Нақшу нигор рўйи заминни –
Барча элни бўзлатдим, не ҳол?

Ана энди, кетар жафоси,
Инондим мен, дўнадир лаҳза.
Ёвузлигу разолат сўнди,
Енгадир руҳ, эзгулик ила.

1959 й.

ТУШ

Куз ойнадай ранг олар жило,
Сен, дүстү, лек у тамасхурлар.
Күкда лочин қанотли, билло,
Күнгилларда кишанбанд түрлар.
Фурсат кетди, қартайиб сүнди,
Ахир, ромлар кумуш нишона.
Боғдан шафақ ойнага урди
Сентябрь қонли күз ёши-ла...
Фурсат кетди, ҳатто, соврилди,
Муз сингари чирсиллаб-эриб.
Сен қайтдинг, бир овоз қайтди,
О, туш жомдек акс-садо бериб...
Мен уйғондим. Зим-зиё куздек.
Отади тонг. Шамол йүрғалар.
Тарнов ичра ёмғир замбарак,
Күкка қайин гүё ўрғалар.

1913, 1928 й.й.

ҚОР ЁҒАР

Қор ёғар, қор ёғар лаҳза ул,
Бўронга дўнгай бас, қутбча
Талпинар оқзарддай ёронгул
Дераза ортида пойдорча.

Қор ёғар, қайғуга бурканиб,
Паға-паға қайғу аралаш, —
Учиб тушар ерга ийманиб,
Чорраҳа чамаси муйилиш.

Қор ёғар, қор ёғар парқудай,
Гўёки тўкилар гурсиллаб,
Афтода чорасиз жувондай
Тушар ерга осмон тирсиллаб.

Гўёки ғаройиб одамдир,
Фалакнинг юқори қати-да,
Ўйнайди тубучоқ ниҳондир,
Чордоқдан чиқадир оймома.

Негаки, кутмайди бу ҳаёт,
Үтади кўз юмиб очгунгдир.
Наҳотки яқиндир бу мамот.
Қарайсан янги йил қораяр.

Қор ёғар шиддат-ла пағамол
Ортингдан эргашар туроқдай.
Шу зайл илдамлар bemажол
Ва ёки тезлашар буроқдай,

Етгандир айём ҳам бемаҳал?
Эҳтимол, келгандир изма-из
Қордайин ортингдан йилма-йил
Ёки бир масалдир илмиқ сүз?

Қор ёғар, қор ёғар лаҳза ул,
Қор ёғар, қайғуга бурканиб:
Йўлакни оқартиб бир масъул,
Фаройиб кенглиkdir ажойиб,
Қадимий муйилиш азал шул.

1957 й.

ЗИЁФАТ

Ичарман тахирдир табаргул, куз осмони доф
Унда сен дўнарсан гўё ловиллаб-томчилаб.

Ичарман аламли кечларни оломон ичра чоғ,
Бўзлаган сатрни ичарман доғларин намиқиб.

Даҳшатли маҳорат – етмаса бардоши тирикдир.
Ишончу инонлар адоват қошида чилпарчин.
Кеч шамол шовуллар бебош – косагул кечадир,
Такрордир, эҳтимол, орзулар ушалмас чинма-чин.

Ўлим ҳам меросдир – дастурхон базмгоҳимиздай.
Ва жимгина шафақ – қиздирап дараҳтлар
марзасин.

Сирғалар шеър ичра туроқлар идишдаги
сичқондай,
О, қизгина шошилар, табдиллар яна юмушин.

Сутурилган ер, дастурхонда – ҳаттоки йўқ увок,
Гўё болалар бўсасидай шеър олар тин тинчгина.
Қизгина чопадир извошдай баҳт излаб узоқ,
Эҳ, бердим сўнгги мишимни – юрарман яна
пиёда.

1913 – 1928 й.й.

ШОВУШ³³

Яна такрор яшнаюр ўниб,
Англамоқ күкламни оғирдир.
Аёздан құштамоқ паргираб,
Хув қирғоқлар қорайиб сүзлар.

Шафақ, бичиқдай шимилар күрфаз,
Жунжиктиар әтни кечқурун.
Түп-түпдан. Севимли солдай беэваз,
Озодлик шимолда вахшатдир!

У қүёшдир ютар буғриқиб,
Ва судраб борадир, юқ оғир.
У тарсакилар музни қайтариб,
Эх, қизғиши балиқдир бўкирар.

Томчилайди кундир ярми бўз,
Сўнг, бўғриқар ер узра совуқ.
Чирсиллайди сув устида муз,
Пичоқлашар муз парчаси ўқ.

Бу юракмас хирилдоқ дамдўз
Фамгин оҳанг, пичоқдир дук-дук,
Шигалайдир бир палахса муз
Такрорланар бир маром пўк-пўк.

1916 - 1928 й.й.

³³ Шовуш – муз күчиши, муз оқиши маъносида.

НАЙСОН ЁМФИРИ

Шумурт³⁴ тамасхур³⁵, хұрсиныб намиқар,
Лок извош, дараҳтзор шивирлар пайванд.
Ер узра ғижжакчи күнгли-да қамар,
Саҳн сари намуна. Барча кишанбанд!

Майсалар харсангдай. Гүё тұла ёш
Димоққа урилар гулгун аламнок.
Томчидай олмослар. Ҳул саваш
Үнда баҳт, абрдай томчилар киприк.

Бу ой занжирбанд, титроқда – илк бор
Ҳарир лиbos ва завқли лаб измида
Яралди чапланган мұхташам осор,
Чапламоқ не даркор, ҳайкал беранда.

Не бұлди, юракка жұш урап хуни,
Оқадир тирқираб ботин ё зоҳир?
Ана у туртаяпти: дастидир аъзамни
Симобдай томчилар, сиқар шотомир.

Бу на тун, на ёмғир, на күшк бари
Юлғичдир «Керенскийча ура!»,
Бу сүқир чиқиш-да анжуман сари
Ер остида мудраг өзінде кече.

Бу на гул, на томчи, на қайғы доси
Оломон, шу ердир пешсаҳн – тұлқин
Оврұпанинг тобланган пұлат кечаси,
Мағұрдир бизнинг йүл шундайин талқин.

³⁴ Шумурт – оқ, хушбүй гулли дараҳт ёки бута маңносида.

³⁵ Тамасхур – масхара, истеҳзо; киноя; хушомадгүй маңносида.

МУНДАРИЖА

Хаёлмиди кўрганим сени.....	3
Балки ўйлар ғамгин түҳфакор	4
Айри дил, ҳей, исёнкор кўнгил.....	5
Осмон бағри борар қорайиб.....	6
Ўзимдан узоқлаб қайга кетдим мен.....	7
Лайлакон йўллари ажиб таврдир.....	8
Нондик	9
Қизғин нафосатнинг изғин роҳи бу	12
Шафтолизор гуллади чунон.....	13
Куз манзараси.....	15
Қадим турон	16
Қор ёғар олмосдай мисоли.....	17
Вужудан фойибам аминам.....	18
Бир куни дунёни этсанг-да, гар тарк	19
Азим шаҳар измида тентиб.....	20
Дараҳтларнинг барги сарғаюр	21
Кузак кузда юпумас мен-да	22
Кеч тушарда шовуллар кўнгил	23
Қизир саҳро гўё музмар дилимда.....	24
Азал тун яралди гулафшон очун.....	25
Эшигтан эдим мен сокин онларда.....	26
Сўзнинг асири	27
Ой нурлари қилганда ханда	28
Ёмғир ёғар – дилгир саросар.....	29
Софинч.....	30
Эй ёр.....	31
Қафасдаги қуш	32
Не қилай	33
Мени севиб-суйганинг ёлғон	34
Тонг юлдузи – чўлпон юлдузи.....	35
Илоҳий ишқ	36
Умид узмасман.....	38
Ҳаётга ташалик қўймас тинч	39
Сен-ла, жим хайрлашмоқ оғир	40
Дарё мавжларига бўлиб ҳамоҳанг	41

Зулматли тун, күнгил музтариб.....	42
Наҳотки, сен, ўша	43
Бинафшажон, бинафша	44
Орзуларнинг экиб ниҳолин	45
Бандай ожиз	46
Кўнглим мудом ишқа орзуманд	47
Қайуули тун, кўнгил ёнар тош	47
Хаёлим – рангин хотира.....	48
Темиртанни бир бор минганни	48
Ихроj	49
Жудоликдан тугаган бардош	50
Туркистон.....	52
Чўлпон ноласи.....	53
Туш кўрибман. Бўзлайди лола	54
Тушимда шеър тўкирмишман	55
Оппоқ дудга тўлар кенг осмон.....	56
Мен нега сифиндим, нега топиндим	57
Тафаккур чирогим тезроқ ён энди	58
Ай, сен, хўрланган, тобинган сингил	59
Энг улуғ нотиқсан	60
Бағишлов	61
Сўз бўлиб туғилар улуғлар ёди	62
Кўнгил ичра бунча сукунат	63
Сени эслаб келмайди уйқу.....	64
Интизорман, кўзим нигорон.....	65
Аросат дафъидир чилёсин	66
Бир кечмиш қошида турибман саркаш.....	67
Бир кишининг ўғлига айттанлари	68
Қачондир инсонлар танир ўзлигин	71
Шундай бир висолни қўмсаган юрак	72
Юрак оғриқлари, наҳот беомон	73
Бир оҳанг силқийди кўнгилда саҳба	74
Туғилдим соати сангинда сайёр.....	75
Тунги боғлар бағрида танҳо	76
Кун сайин боряпман тупроққа сингиб	77
Нимбисмил, нимкала калладай	78
Оппоқ тишли бурундиқ одам	79
Куйдиради офтоб жизғанак	80
Эсимда ўша кеч сокин оқшом оп	81

Қандоқ қиласай, недан бошлай гап.....	82
Том бошида бүзлар қызғалдоқ	83
Фам ошиқар дилимда наҳор	84
Сүз рухи	85
Ёрқин саҳарларда сени ёд этиб	86
Бутун кеча ғариб сукунат	87
Хаёлингда не кечар, дилдор	88
Үтди аччиқ қаҳратон заҳри	89
Ёмғир чунон йүргалаб ёғар	90
Қайғурмагил күзлари зебо.....	91
Буралиб пайваста оқар сув	92
Валфажр	93
Эртакка айланар ёлғон ваъдалар.....	94
Түккиз қават кўринар само.....	95
Диёрим	96
Кездикми пайваста ҳисор тоғларин	97
Луғатлардан қолғон сўзлар.....	99
Болалик сатрлари	101
Кечмиш ичра балқир хотирот.....	102
Мен яшадим тонгта интилиб	103
Ўксинма! Ўтар умр.....	104
Қоронғу кечада учар бир юлдуз	105
Ишонманг сиз менга, борлигим гумон	106
Минг йиллик тунимнинг отишин кутдим.....	107
Сенинг ҳузуринг	108
Тинч қўй мени, эй сарин шамол	109
Аносир сирлари очилган чоғда	110
Аламлар ютадир қизгина.....	111
Бир туш каби ўтмоқда умрим	112
Неча йилки, андуҳим ошар.....	113
Мен учун чекма фам, энди кеч.....	115
Ҳорғин-ҳорғин қарайсан ногоҳ	116
Сабр-тоқат шоирга нишон.....	117
Гунг бир хаёлотнинг қатида қотган	118
“Мен”ни таъқиб қиласар изсиз шарпалар.....	119
Сағана	120
Ҳақиқат нимадир, балки, у хасдир.....	120
Фамнок тунларимни ўтказдим беҳуд	120
Йиғлагин, азизим йиғлагин.....	121

Чексиз самоларга күз тиксам ҳар он	121
Ишқ ғасли	122
Хушим йүк дунёвий қийлу қолларга	122
Күнгил ичра жүровоз садо -	123
Күнгил ненидир излар -	123
Куз	124
Тун сирлари аён-ноаён	124
Үша кундир, бұзлаган куним	124
Үтадир суронли күнлар ҳам	125
Жоизки, ёзамиз юз фоиз	125
Кел, күксимга босайин қардош	125
Ташқарыда изиллар шамол	126
Күкларга сузадир сипора	126
Чұпон	127
Асрлардан келади ниді -	127
Мени хорлик қилмади аді	127
Үтар бу умри жовид ҳам	128
Ҳасратлари күпдір дунёни	128
Каш	129
Бозгашт	138
Томир	147

ФАЗАЛ ЙҰЛИДА

Эй дүстим, шафқатсиз хонхорларга боқ	153
Чекди умрим водариғо, ҳасрату андуқ ила	154
Жабрни күп қилдинг жоно	155
Наврұз	156

НАЗИРА ЙҰЛИДА

Бисмиллохир-раҳмонир-раҳим	157
----------------------------------	-----

МУХАММАСЛАР

Алишер Навоий ғазалига мухаммас	159
Алишер Навоий ғазалига мухаммас	161
Алишер Навоий ғазалига мухаммас	164
Алишер Навоий ғазалига мухаммас	166

ТҮРТЛИКЛАР

Гар, асти, шоирлик даъво қилмайман	171
Ҳамон жозиб ҳазрат навоси	171

ТАРЖИМАЛАР

Мирзо Бедил

Кибриёлик авжи узра ожизлик тутди роҳ анда.....	176
Яратган эгам лойга қорди дилимиз.....	177
Ҳавои кайфиятдан бўладир содир пуфак	179

Паҳлавон Маҳмуд

Паҳлавон Маҳмуд – қутблар қутби	180
Қилма қора тошдан талаб ложувард	180
Эй санамо, дўстлик аҳдини тузгил	180
Майхонада тенг гадою шоҳ	180
Кўйинг ила ёмон ҳамон аҳволим	180

Александр Блок

Сарин шамол сассизланар,.....	181
-------------------------------	-----

Борис Пастернак

Ягона кун	182
Қадимий муйилиш.....	183
Замҳарир.....	184
Ҳавза узра	185
Февраль. Бу сиёҳдек томчилаб йифлаш!.....	186
Чорасизмен, тутқин йиртқичдек	187
Туш	188
Қор ёғар	189
Зиёфат	191
Шовуш.....	192
Найсон ёмғири	193

Адабий-балий нашр

МАНЗАР АБДУЛХАЙР

ТААММУЛ

Шеърлар

Муҳаррир
Гавҳар МИРЗАЕВА

Мусаҳҳих
Мадина МАҲМУДОВА

Бадиий муҳаррир
Зилола ТҰЛАГАНОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖҮРАБЕКОВА

Журнал № 17-2010 йыл 81900 552-шы 15-жыныз шоғиб
журнал түннөд шыл 5799 52 000 шайрот
051-8074498, орталық
0,60 жыныз шоғиб түннөд 0,50 жыныз шоғиб
журнал түннөд шыл 180 жыныз шоғиб түннөд
0,60 жыныз шыл 0001 жылы
журнал жетекшілік көбүлдік

Журнал түннөд жетекшілік көбүлдік жаңынан жаңы
20 жыныз шоғиб түннөд жетекшілік көбүлдік 12,1794
жетекшілік жаңы шоғиб түннөд
27,490 жыл 0001 жетекшілік
0691-705-29-65-001 - жетекшілік жетекшілік
жетекшілік жетекшілік жетекшілік жетекшілік жетекшілік

Мурожаат табори
«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
Босишига 26.12.2017 й.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32.
Босма табоби 12,5. Шартли босма табоби 20,0.
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофоз.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 62.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14, 129-09-72.
Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87.
факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru

Манаар Абдулхайр

Плащущий



ISBN 978-9943-20-439-3



9 789943 204393